БУТУН ДУН'Ё ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГЛАР!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТ (большевик)ЛАР ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 195 (7642)

20 АВГУСТ ЯҚШАНБА 1950 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

Кеча Ўзбекистон ССР Олий Советининг бешинчи сессияси ишга бошлади.

Ўзбекистон ССРнинг Давлат бюджети

Кеча, 19 августда республикамизнинг пойтахти Тошкентда Ўзбекистон ССР Олий Советининг иккинчи чақириқ бешинчи сессияси очилди. Сессия ўз ишини буюк ватанпарварлик вазиятида, республикамизнинг миллионларча меҳнаткашлари уруш даврида кейинги даврда халқ хўжалигини тиклаш ва ривожлантириш сталинча бешйиллик планининг сўнгги ҳал қилувчи йили топшириқларини муддатидан илгари тўла ҳамда ошириб бажариш учун фидокорона меҳнат қилаётган бир вазиятда бошлади.

Республикамиз Олий Советининг Сессияси ўзбек халқининг 1950 йилда пахтачиликни ривожлантириш юзасидан Ватан олдида, большевиклар партияси, Совет ҳукумати ва улуғ Сталин олдида олган буюк ва шарафли мажбуриятини муваффақиятли бажаришни таъминлайдиган даражада мўл-кўл ҳосил етиштирган, Ўзбекистон пиллачилари катта ғалабага эришган, ўларча энг йирик корхоналар бешйиллик топшириқни ошириб блан адо этган бир пайтда тўпланди.

Ғолиб ва ижодкор халқнинг иродаси блан иш кўруви депутатлар республикамиз ҳаётида, умумдавлат аҳамиятига эга бўлган ғоят катта сиёсий масалани, яъни Ўзбекистон Совет Социалистик республикасининг 1950 йилги Давлат бюджети тўғрисида ва 1949 йилги Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги масалани муҳокама қилмоқдалар. Бюджетда келтирилган факт ва рақамлар ўзбек халқининг Бутун Совет Иттифоқидаги қардош халқлар оиласида ҳамжиҳат бўлиб, биргаликда осойишта меҳнат қилиб халқ хўжалигини ривожлантириш соҳасида эришган мислсиз катта ғалабаларини жуда равшан ифода қилади. Хўжалик ва маданий қурилиш соҳасида эришилган муваффақиятлар совет кишиларининг қалбида ўз она-Ватанлари учун фахрланиш ҳиссини кучайтиради, Ленин—Сталин партиясига чексиз садоқат ва муҳаббатларини янада оширади.

Ўзбекистон Совет республикаси Ленин—Сталин партиясининг иродаси блан социализм тантана қилган, саноати ва қишлоқ хўжалиги мислсиз ривожланган, шаклан миллий, мазмунан социалистик маданият мавж уриб, гуллаётган ўлкага айланди. Ўтган 1949 йил чин маъноси блан улкан муваффақиятларга эришилган йил бўлди. Ўтган йили ялпи саноат маҳсулотининг ҳажми 1948 йилдагига қараганда 110 процентни ташкил этди. Республикамизнинг пахта тозалаш саноати, ипак моллар ишлаш, ёғ, консерва, чарм-пойафзал, тикувчилик ва бошқа саноат тармоқлари 1949 йилги маҳсулот ишлабчиқариш планларини муддатидан илгари ошириб блан адо этган бир пайтда тўпланди.

Республикамиз саноати қишлоқ хўжалиги учун, биринчи навбатда пахтачиликни ривожлантириш учун зарур бўлган қишлоқ хўжалик машиналари ва минерал ўғитларни тобора кўпроқ ишлаб чиқармоқдалар. 1949 йилда кўмир ишлаб чиқариш 1948 йилдагига қараганда 53 процент, пўлат — 78, прокат—32, электр энергияси — 19, экскаваторлар ишлаб чиқариш 49 процент кўпайди. Кенг истеъмол моллари, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳам анча ошди.

Партия ва ҳукуматимизнинг доимий ғамхўрлиги туфайли республикамизнинг қишлоқ хўжалиги ҳам тез юксалиб бормоқда. Деҳқончилик ишларининг тез сур'атлар блан машиналаштирилиши, ирригация ишларига жуда кўп маблағ сарф қилинаётганлиги, минерал ўғитларнинг кўплаб ишлаб чиқарилиши — республика қишлоқ хўжалигини тобора ривожлантириш учун кенг шароит яратиб берди. Республиканинг колхоз ва совхозлари 1949 йилда давлатга 1948 йилдагидан кўпроқ, я'ни энг кўп ҳосил олинган 1941 йилдагидан анча кўп пахта топширдилар.

Халқ хўжалигини зўр бериб ривожлантириш ва молларнинг нархини камайтириш асосида совет сўми янада мустаҳкамланиб, унинг харид қуввати ҳамон ортмоқда. Республикамиз давлат бюджети халқ хўжалигини тўхтовсиз ривожлантириш, меҳнаткашлар модий ва маданий фаровонлигини юксалтиришни таъмин этмоқда. Маҳаллий Советлар ва хўжалик ходимлари бюджетда ва сметаларда белгиланган маблағлардан тўғри ва ўз вақтида фойдаланишда зўр маҳорат кўрсатмоқдалар. Улар ички ресурслардан усталик блан фойдаланиш, ишлабчиқаришни кенгайтириш, маблағлар оборотини тезлатиш ва халқ хўжалиги тармоқларида оборот маблағларидан фойдаланишда катта тажрибага эга бўлдилар. Аммо бюджетда белгиланган маблағлардан усталик ва моҳирлик блан фойдаланмаётган, аксинча чуқур ўйламасдан, ҳартарафлама чамалаб иш кўрмасдан маблағларни ўринсиз сарфлашга йўл қўяётган ходимлар ҳам бор. Шундай ҳоллар ҳам бўладики, айрим хўжалик ходимлари ўзларининг уқувсизликлари, тажрибасизликлари орқасида давлат томонидан берилган маблағлардан кўпинча ўз вақтида фойдаланаолмайдилар. Бунинг натижасида янги қурилиш ишларида сусткашлик пайдо бўлади, қурилиш планлари бажарилмай қолади. Масалан, Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги министрлиги системасида ўтган йили ирригация қурилишлари учун ажратилган маблағларнинг катта қисми сарф қилинмай қолган. Ўзбекистон ССР маориф министрлиги, Соғлиқни сақлаш, Қишлоқ хўжалиги министрликларида ҳам соцчалманий тадбирлар учун чиқарилган маблағлардан анчагина қисми ўзлаштирилмай қолган. Биргина республиканинг маданий-оқартув муассасаларида ўтган йили кутубхона, клуб ва қироатхоналар очиш учун берилган маблағларнинг фақат 52,6 процентидан фойдаланилган. Янги қурилишлар, социалманий тадбирлар учун берилган маблағларни ўзлаштиришда бундай хунук аҳволнинг юз беришига республикамизнинг айрим молия органлари ҳам айбдидир. Чунки, улар маблағларни ўзлаштиришда жиддий та'сир кўрсатмайдилар, хўжалик ташкилотларининг молия ишлари устидан етарли назорат олиб бормайдилар.

Ўзбекистон ССР нинг 1950 йилги Давлат бюджети даромадлар бўйича 3 миллиард 575 миллион 332 минг сўм ва харажатлар бўйича 3 миллиард 476 миллион 558 минг сўм миқдорида сессиянинг тасдиқига топширилди. Даромадлар харажатлардан 98 миллион 774 минг сўм миқдорида ортиқ бўлади. Социалистик давлат бюджети маблағларининг асосий қисми халқ хўжалигини ривожлантиришга, кенг меҳнаткашлар оммасининг маданий савиясини ошириш ва моддий аҳволини тобора яхшилашга сарф қилинади.

Халқ элчилари бўлган депутатлар республикамиз бюджетини ҳартарафлама чамалаб, ўрганиб, пухта муҳокама қилмоқдалар. Улар халқ иродасини, меҳнаткашларнинг орзу ва истакларини изҳор этмоқдалар. Улар республикамизнинг халқ хўжалигини, айниқса пахтачилигини, саноат ҳамда маданиятини янада юксалтириш учун энг яхши маслаҳатлар, йўл-йўриқлар бермоқдалар, амалий тадбирлар белгиламоқдалар.

Республикамиз Олий Советининг сессияси миллионларча меҳнаткашлар оммасининг осойишта меҳнат қилиб, уруш оловини ёқучиларга қарши қаҳрамонона ишлари блан қақшатгич зарба бераётган бир пайтда ўтмоқда. Республикамиз Олий Советининг мажлислари ичил социализм демократиясининг тантанаси, халқлар бирлиги ва дўстлигининг жуда равшан ифодаси бўлаётир.

МОСКВА, КРЕМЛЬ

ССР ИТТИФОҚИ МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ РАЙИСИ

ЎРТОҚ Иосиф Виссарионович СТАЛИНГА

Қадрдон Иосиф Виссарионович, Украина ССР Каменец-Подольск областининг колхозлари ва совхозлари ғалла тайёрлаш давлат планини (жўхоридан ташқари) муддатидан илгари бажарганликларини Сизга ма'лум қиламиз. Бу йил давлатга энг муҳим озиқ-овқат маҳсулоти — буғдой 1949 йилдагига қараганда 3 миллион 821 минг пуд ва жавдари буғдой 2 миллион 38 минг пуд кўп топширилди. МТСларнинг қилган ишлари учун натура ҳақи ҳисобига давлатга ғалла топшириш давом этмоқда.

Областьнинг колхоз ва совхозлари куз ги ва баҳори экинлар экиш учун ўзларини етарли уруғлик блан та'минлаб қўйдилар, эҳтиёт фондлари жамгармоқдалар, жамоат чорвачилиги учун ем-хашак фондлари вужудга келтирмоқдалар.

Бу йил областьнинг колхозчилари меҳнат кунига урушдан кейинги ўтган йиллардагига қараганда анча кўп ғалла оладилар.

Областьнинг колхозлари ва МТСлари келгуси йилда мўл ҳосил етиштириш учун курашиб, кузги экинлар экишни муваффақиятли давом этдирмоқдалар, энг янги агротехника тадбирларини—донадор ўғитлар солиш ва қирқма-шахмат усулида экиш тадбирларини кенг қўлланмоқдалар. Анғизни юмшатиш плани ошириб бажарилди ва шу кунларда минерал ҳамда маҳаллий ўғитлар солиб кузги шудгор ҳамма ерда бошлаб юборилди. Областьнинг колхозлари 1951 йил кўкламда фақат шудгор қилинган ерларга экадилар.

Колхозчилар, МТС ходимлари ва қишлоқ хўжалик мутахассислари мўл ҳосилни ва чопиқ қилинадиган бошқа экинларни ҳамда техника экинларини йиғиштириб олишга тайёрланмоқдалар. Жамоат маҳсулдор чорвачилигини ривожлантириш уч йиллик планида 1950 йилга белгиланган топшириқни бажариш ишлари муваффақиятли бормоқда ва фермаларда урғочи молларни кўпайтириш планини албатта бажариш учун тадбирлар кўрилмоқда.

Қадрдон Иссиф Виссарионович, Сизга ва'да бериб айтамизки, областьнинг колхозчилари, МТС ва совхоз ходимлари жўхори ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш планини муддатидан илгари бажариш учун бутун куч-қувватларини сарфлайдилар.

Украина К(б)П Каменец-Подольск область комитетининг секретари В. БЕГМА.
Меҳнаткашлар депутатлари Каменец-Подольск область Совети ижроия комитетининг ранси Н. БЛЯТОН.
Тайёрлаш министрлигининг Каменец-Подольск областидаги вакили Т. СОТНИКОВ.
Каменец-Подольск область қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи Е. ТУРЧИН.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлиси

Ўзбекистон ССР Олий Советининг 1950 йил 19 августдаги мажлиси ҳақида

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

Кеча, 19 август эрталаб соат 11 да Навоий номидаги Ўзбек давлат опера ва балет театрида Ўзбекистон ССР Олий Советининг бешинчи сессияси очилди.

Сессияни Ўзбекистон ССР Олий Совети Раисининг ўринбосари депутат **Б. Усмонхўжаев** очди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Раисининг ўринбосари депутат **Б. Усмонхўжаев** Мандат комиссиясининг докладини қилиш учун Мандат комиссиясининг Раиси депутат **С. Нуриддиновга** сўз беради.

Депутат **С. Нуриддинов**, Мандат комиссияси 184-нчи Уйчи сайлов округидан кетиб қолган депутат ўрнига 19[illegible] йил 27 ноябрьда сайланган депутат **Н. А. Муҳиддиновнинг** ваколатини текшириб чиқиб, сайловлар Ўзбекистон ССР Олий Советига сайловлар ҳақидаги Низомга тамомила мувофиқ ҳолда ўтказилган деб аниқлади, дейди.

Сессия депутат **Н. А. Муҳиддиновнинг** ваколати тасдиқлансин деб қарор қилади.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси депутат **А. Мавлонов** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг 1950 йил 24 апрельдаги Фармонига биноан, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси қилиб тайинланганлиги сабабли, сессия депутат А. Мавлоновни Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси вазифасидан озод қилиш ҳақида қарор қабул қилади.

Депутат **Х. Жўраев** Оқсоқоллар Советининг топшируви блан, Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси қилиб депутат **Н. А. Муҳиддинов** сайлансин деб таклиф этади.

Сессия Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси қилиб бир оғиздан депутат **Н. А. Муҳиддиновни** сайлайди.

Сессия қуйидаги кун тартибини тасдиқлади:

1. Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг 1950 йилги Давлат бюджети ва Ўзбекистон ССРнинг 1949 йилги Давлат бюджетининг ижроси тўғрисида» Ўзбекистон ССР молия министри депутат **М. Исомиддинов** доклад қилди.

Депутат **М. Исомиддинов** докладидан кейин сессия Ўзбекистон ССР Олий Совети Бюджет комиссиясининг Раиси депутат **Т. Дўстовнинг** қўшимча докладини эшитди.

Шу блан Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи мажлиси ёпиқ деб эълон қилинади.

Сессия мажлисларининг регламентини ҳам тасдиқлади.

Сессия кун тартибидаги биринчи масала — «Ўзбекистон ССРнинг 1950 йилги Давлат бюджети ва Ўзбекистон ССРнинг 1949 йилги Давлат бюджетининг ижроси тўғрисида» Ўзбекистон ССР молия министри депутат **М. Исомиддинов** доклад қилди.

Депутат **М. Исомиддинов** докладидан кейин сессия Ўзбекистон ССР Олий Совети Бюджет комиссиясининг Раиси депутат **Т. Дўстовнинг** қўшимча докладини эшитди.

Шу блан Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи мажлиси ёпиқ деб эълон қилинади.

Кеча сессияда

Кеча, 19 августда, Тошкентда, Навоий номидаги Ўзбек давлат опера ва балет театрида Ўзбекистон ССР Олий Советининг бешинчи сессияси очилди.

Театр залига Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутатлари ва жуда кўп меҳмонлар — Тошкент шаҳридаги саноат корхоналарининг стахановчилари ва раҳбарлари, фан, адабиёт, санъат арбоблари, партия, совет ва касаба союз ташкилотларининг ходимлари, Совет Армиясининг офицерлари йиғилдилар.

Эрталаб соат 11. Раис столи ёнида Ўзбекистон ССР Олий Совети Раисининг ўринбосарлари депутат Б. Усмонхўжаев ва депутат Н. М. Мирошхина ўз ўринларини оладилар.

Ҳукумат ложаларида А. Э. Ниёзов, С. Д. Игнатьев, А. Мавлонов, Ш. Рашидов, Р. Е. Мельников, С. Камолов, И. Е. Петров, М. И. Баскаков, Н. А. Муҳиддинов, С. Нуриддинов, З. Раҳимбобоева, М. Ғ. Ваҳобов, В. Я. Емцов, В. Содиқова ўртоқлар, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг аъзолари ва министрлар ўтиришдилар.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Раисининг ўринбосари депутат Б. Усмонхўжаев 184-нчи Уйчи сайлов округидан кетиб қолган депутат ўрнига 1949 йил 27 ноябрьда Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати сайланганлигини айтди.

184-нчи Уйчи сайлов округида сайланган депутатнинг ваколатини текшириш натижалари ҳақида Мандат комиссиясининг докладини қилиш учун Ўзбекистон ССР Олий Совети Мандат комиссиясининг Раиси депутат С. Нуриддиновга сўз берилади.

Депутат С. Нуриддинов Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов тўғрисидаги Низомнинг 99-нчи моддасига мувофиқ, 184-нчи Уйчи сайлов округида Ўзбекистон ССР Олий Советига депутат сайланганлигини сессияга ма'лум қилади. Мазкур сайлов округида Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига ўртоқ Нуриддин Акрамович Муҳиддинов сайланган. Мандат комиссияси депутат Н. А. Муҳиддиновнинг ваколатини текшириб кўриб, сайлов Ўзбекистон ССР Олий Советига сайловлар тўғрисидаги Низомга тўла мувофиқ тўғри ўтказилганлигини аниқлаган.

Депутат М. Г. Чиковани Ўзбекистон ССР Олий Совети Мандат комиссиясининг докладини тасдиқлашни ва Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Н. А. Муҳиддиновнинг ваколатини тўғри деб топишни таклиф этади.

Бу таклиф бир оғиздан қабул қилинади.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Раисининг ўринбосари депутат Б. Усмонхўжаев Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг 1950 йил 24 апрельдаги Фармонига биноан А. Мавлонов Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси қилиб тайинланганлигини билдиради.Шу муносабат блан уни Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси вазифасидан озод қилиш ҳақида таклиф киргизилади.

Сессия депутат А. Мавлоновни Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси вазифасидан озод қилиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Депутат Х. Жўраев Оқсоқоллар Советининг топшируви блан, Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси қилиб депутат Н. А. Муҳиддиновни сайлашни таклиф этади.

Сессия депутат Н. А. Муҳиддиновни бир оғиздан Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси қилиб сайлайди.

Раис — Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси депутат Н. А. Муҳиддинов Ўзбекистон ССР Олий Советининг бешинчи сессияси муҳокамасига қуйидаги масалалар қуйилганлигини билдиради:

1. Ўзбекистон ССРнинг 1950 йил Давлат бюджети ва Ўзбекистон ССРнинг 1949 йилги Давлат бюджетининг ижроси ҳақидаги ҳисоботни тасдиқлаш.

Бу масала Ўзбекистон ССР Министрлар Совети томонидан киргизилган.

2. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонларини тасдиқлаш.

Бу масала Ўзбекистон ССР Олий Советининг Президиуми томонидан киргизилган.

Депутат У. Абдураҳимовнинг таклифига биноан, сессия кун тартибини бир оғиздан тасдиқлайди.

Депутат А. Маҳмудовнинг таклифига мувофиқ, сессия мажлисларининг регламенти тасдиқланади.

Сессия кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилишга киришади.

Ўзбекистон ССРнинг 1950 йилги Давлат бюджети ва 1949 йилги Давлат бюджетининг ижроси ҳақида доклад қилиш учун Ўзбекистон ССР Молия министри депутат М. Исомиддинова сўз берилади.

Докладчи кўп миллатли совет халқининг урушдан кейинги сталинча бешйиллик даврида эришган катта муваффақиятлари ҳақида гапиради Саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулоти, йирик қурилиш ишларининг ҳажми урушдан илгариги даражадан анча ошиб кетди. Совет ҳукумати озиқ-овқат ва саноат молларининг нархларини изчиллик блан камайтира борганлиги натижасида меҳнаткашларнинг моддий фаровонлиги тобора ошмоқда.

Совет Иттифоқининг коммунизм жамияти қураётган қардош халқлари оиласида Ўзбекистон ССР меҳнаткашлари ҳам халқ хўжалигини ва маданиятни янада юксалтиришда анча катта муваффақиятга эришдилар. Бу муваффақиятлар совет жамоат ва давлат тузумининг енгилмас қудратли куч эканлигини, большевиклар партиясининг ленинча-сталинча миллий сиёсатининг доно эканлигини яна бир марта яққол кўрсатади.

Совет халқи ижодий меҳнат блан шуғулланмоқда. Совет кишилари янги жаҳон уруши чиқариш планларини тайёрлаётган, ҳурриятпарвар қурия халқига қарши агрессия бошлаган америка—инглиз империалистларини ғазаб ва нафрат блан қораламоқдалар. Атом қуролини тақиқлаш тўғрисидаги Стокгольм Мурожаатига имзо тўплаш мамлакатимизда ғоят баланд руҳ блан ўтди. Совет Иттифоқининг барча меҳнаткашларидек, Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам бутун дун'ёда тинчликнинг посбони ва байроқдори бўлган социалистик Ватанимизнинг бахт-саодати учун фидокорона меҳнат қилиб, Мурожаатга қўйган имзоларини мустаҳкамламоқдалар.

Ўртоқ Исомиддинов Ўзбекистон ССРнинг 1949 йилги Давлат бюджетининг ижроси ҳақида батафсил гапириб, бундай деди: Ўзбекистон ССРнинг сессия тасдиқига тақдим этилган 1950 йилги Давлат бюджети даромадлари бўйича 3 миллиард 575 миллион 332 минг сўмни ва харажатлар бўйича 3 миллиард 476 миллион 558 минг сўмни ташкил қилади, я'ни даромад харажатлардан 98 миллион 774 минг сўм ошиб кетади. Республиканинг 1950 йилги бюджети 1949 йилги бюджетга нисбатан 13,9 процент кўпаяди. Ўзбекистон ССР Давлат бюджетидаги маблағларнинг 90,7 проценти халқ хўжалигига ва ижтимоий-маданий тадбирларга сарфланади.

Докладчининг уқдириб ўтишича, 1950 йилги бюджет халқ манфаатларига тамомила мувофиқ бўлиб, урушдан кейинги сталинча бешйилликнинг сўнгги йилида республика халқ хўжалиги планини муваффақиятли амалга оширишда ғоят катта аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон ССР Давлат бюджетининг бажарилиши ўзбек халқининг пахтачиликни янада ривожлантириш учун олиб бораётган кураши блан чамбарчас боғлангандир. Ўзбекистон қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари бу йил пахтадан мўл ҳосил етиштирдилар. Мўл ҳосилни тўла-тўкис йиғиб-териб олиш, пахта тайёрлаш планини ошириб бажариш — республикамиз меҳнаткашларининг асосий вазифаси, севикли Ватанимиз олдидаги энг муҳим ватанпарварлик бурчидир.

Кўп миллатли Совет халқи, —дейди докладчи сўзининг охирида, — улуғ йўлбошчимиз, устозимиз ва дўстимиз ўртоқ Сталиннинг доно кўрсатмаларига амал қилиб, коммунистлар партиясининг синалган раҳбарлиги остида зўр ишонч блан коммунизм тантанаси сари олға бормоқда!

Бутун дун'ё меҳнаткашларининг йўлбошчиси, устози ва дўсти улуғ Сталин кўп йиллар омон бўлсин!

Залда гулдурос қарсаклар бошланади, совет халқи эришган барча ғалабаларнинг илҳомчиси ва ташкилотчиси ўртоқ Сталин шарафига чалинган қарсаклар узоқ янграйди.

Сўнгра депутат Т. Дўстов Ўзбекистон ССР Олий Совети бюджет комиссиясининг қўшимча докладини қилади. У Ўзбекистон Давлат бюджетининг ижроси республика хўжалиги ва маданияти тобора ривожланаётган, меҳнаткашларнинг моддий фаровонлиги янада яхшилана борган шароитда ўтганлигини та'кидлайди.

Шу блан бирга ўртоқ Дўстов айрим министрликлар ва идораларнинг ишидаги камчиликларни кўрсатади, бу камчиликлар бюджетнинг ба'зи моддалари бажарилмай қолишига сабаб бўлганлигини айтади.

Озиқ-овқат саноати ва савдо министрликлари, «Ўзбекбирлашув», республика ҳунармандчилик кооперацияси бошқармаси қониқарсиз ишладилар, улар халқ хўжалиги планини албатта бажариш учун, барча мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланиш, маҳсулот таннархини яна камайтириш, давлат маблағларини ва мол-мулкларини тежаб-тергаб сарфлаш учун етарли кураш олиб бормадилар.

Ўртоқ Дўстов давлат планларини доим бажармай келаётган Ўзбекистон Сув хўжалиги министрлигининг ишини, шунингдек Қишлоқ ва колхоз қурилишлари республика бошқармасининг ишини қаттиқ танқид қилди.

Докладчи Ўзбекистон ССРнинг 1950 йилги Давлат бюджети ҳақида гапириб, 1950 йилги бюджет республиканинг социалистик экономикасини ва маданиятини янада ривожлантиришни, пахтачиликни тағин ҳам юксалтиришни, Ўзбекистон ССР меҳнаткашларининг фаровонлигини оширишни зарур маблағлар блан тўла та'минланганлигини уқдириб ўтди.

— Бюджет комиссияси, — дейди ўртоқ Дўстов,—Ўзбекистон ССРнинг 1950 йилги Давлат бюджетини Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ма'қуллаган миқдорда тасдиқлашни таклиф этади.

Ўзбекистон ССР Олий Совети бюджет комиссиясининг раиси депутат Т. Дўстовнинг қўшимча докладидан кейин Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи мажлиси ёпилди.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг навбатдаги мажлиси 21 август эрталаб бўлади. (ЎзТАГ).



Ўзбекистон ССР Олий Советининг бешинчи сессиясида. Суратда: депутатлар Ўзбекистон ССРнинг 1950 йилги Давлат бюджети ва Ўзбекистон ССРнинг 1949 йилдаги Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги докладни эшитмоқдалар.

И. Глауберзон фотоси.

СОВЕТ ҚУРИЛИШИ

Депутатлардан ажралган ҳолда ишлаганда...

Тошкент область Совети ижроия комитетининг раҳбарлари Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг мажлисларида ҳархил хўжалик ва маданий тадбирлар ҳақида тез-тез ҳисоб бериб турадилар.

Деярлик ҳар гал ҳам шундай ҳисобот докладлардан кейин Министрлар Советининг қарорларида бир-биридан фарқи бўлмаган: «аҳвол қониқарсиз деб топилсин» жумлаларидан кейин, «Тошкент область Советининг ижроия комитети ишни та'минламади», «бажармади», «барбод берди» ва ҳоказолар ёзиб қўйилади.

Областьда чорвачиликнинг аҳволи, қишки, кўкламги ишлар ҳақида, беда экишнинг бориши, маданий-оқартув муассасаларининг фаолияти, меҳнаткашларнинг шикоят ва аризаларини қараш, қишлоқ хўжалик Уставини бузишларга қарши ва ҳоказолар ҳақидаги ҳисобот докладлар юзасидан қабул қилинган қарорларда худди шундай жумлаларни кўриш мумкин.

Тошкент области асосан пахта экади. Шу билан бирга, областьнинг колхозлари қанд лавлаги, шоли, каноп ва бошқа экинлар ҳам экадилар. Лекин пахта энг асосий экинлардан бўлганлиги учун ҳам, область Советининг ижроия комитети ўзининг асосий диққатини шу ишга қаратиши керак эди. Лекин Ўзбекистон шаҳарлари, айниқса Тошкент шаҳри область колхозларига катта ёрдам қилишига қарамасдан, область ижроия комитетининг пахтачиликдаги ташкилотчилик роли қониқарсиз эканлиги айниқса сезилиб қолмоқда.

Тошкент область Совети ижроия комитетининг қониқарсиз ишлаётганига асосий сабаблардан бири шуки, ижроия комитетининг раҳбарлари сайловчилардан ва область Советининг депутатларидан ажралган ҳолда ишламоқдалар.

Советнинг биринчи сессиясида ижроия комитети составига 21 депутат, шу жумладан ижроия комитет раислигига депутат Исамуҳамедов, унинг ўринбосарлигига депутатлардан Мельников, Солимуҳамедов, Краснов, Ҳалимова ва секретарьлигига депутат Низомиддиновлар сайланган эдилар.

Сессиядан кейин салгина вақт ўтмасдан, ўртоқ Исамуҳамедов республика Ўрмон хўжалиги министри этиб тайинланди. Ўртоқ Ҳалимовадан ташқари, бошқа ўринбосарлар ҳам бошқа ишларга ўтказиб юборилди. Навбатдаги сессияда область Совети ижроия комитетининг вақтинча раислиги вазифасига ўртоқ Турдиев, унинг ўринбосарлигига Федоренко, Ғаниев ва Телятников ўртоқлар сайланди. Буларнинг биронтаси ҳам Тошкент область Советининг депутати эмас. Агар истапса, Советга сайланган 197 депутатдан ижроия комитет раислигига ва унинг ўринбосарлик лавозимларига лаёқатли кандидатуралар топиш, албатта, мумкин эди. Лекин шундай қилинмади.

Тошкент область Совети 1948 йилнинг февраль ойида сайланган. Ўзбекистон ССР Конституциясига мувофиқ, ўтган икки ярим йил ичида энг камида 8 марта сессия чақириши керак эди. Лекин шу йил 20 майга қадар фақат беш марта сессия ўтказилди, холос.

Ижроия комитет аъзоларининг ярмидан кўпи иштирок этгандагина унинг чиқарган қарорлари қонуний деб ҳисобланади. Шу йилнинг май ойига қадар Тошкент область Совети ижроия комитетининг 19 та аъзоси бўлган. Демак, ижроия комитетнинг йиғилишларида камида 10 та аъзо иштирок этгандагина унинг қарорлари қонуний ҳисобланиши керак. Лекин ўртоқ Турдиев мажлисга таклиф этилганлардан ташқари, ижроия комитетнинг 3—4 аъзоси иштирок этгани ҳалда ҳам мажлисни очаберган.

Балки, бундай мажлисларда иккинчи даражадаги масалани муҳокама қилингандир? Йўқ, бундай деб бўлмайди. Масалан, мажлислардан бирида 3 депутат ва 3 та бошқа киши қатнашгани ҳолда 1950 йил қишлоқ хўжалик плани тасдиқланди. Шунингдек, тракторларни кўкламга тайёрлаш, минерал ўғитларни ташиб келтириш, колхоз Уставини бузишга қарши кураш ва бошқа муҳим масалалар муҳокама қилинди.

Ижроия комитетининг қонуний кучга эга бўлмаган мажлислари фақат бугина эмас. Ўртоқ Турдиев ижроия комитет аъзолари блан келишмай иш қилади. Шунинг учун ҳам, уларнинг айримлари мажлисларга мутлақо ва айримлари жуда кам келадилар. Депутат Тўхтабоев бу йил ижроия комитет мажлисларига бирон марта ҳам қатнашмади. Ваҳоланки у кўп масалаларни ечишда ёрдам қилиши мумкин эди.

Советнинг биринчи сессиясида бирнеча доимий комиссия тузилган эди. Уларнинг ҳаммаси деярлик ишламаётирлар. Республика прокурорининг ўринбосари депутат Аҳмедов бош бўлган социалистик қонунчилик, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг иш бошқаручиси депутат Тожиев бошлиқ халқ маорифи ва маҳаллий саноат бўйича тузилган доимий комиссиялар бир мартадан йиғилганларидан кейин ишламай қўйдилар.

Район Советларида ҳам кўпинча депутатлар депутат бўлмаган кишилар блан алмаштирилади. Масалан, Қорасув, Тошкент қишлоқ ва Ўртачирчиқ район ижроия комитетларида ижроия комитет раислари икки марта, Юқоричирчиқ ва Калинин районларида эса уч марта ўзгарди. Қишлоқ Советларининг раислари айниқса тез ўзгартирилиб турилади. Янгийўл район, Свердлов қишлоқ Советининг раиси бешинчи марта ўзгартирилди.

Область Совети ижроия комитетининг раҳбарлари ўз ишларига депутатларни жалб этмаганликлари, улар блан маслаҳатлашмай ва ҳисоблашмай ишлашлари натижасида область ва район Советлари ижроия комитетларининг кўпчилик қарорлари бажарилмай қолиб кетмоқда.

Областьга раҳбарлик қилишда депутатлардан ва сайловчилардан узилган ҳолда ишлаш оғир ва тўғрисини айтканда, мумкин эмас.

А. КАНАЕВ.

«Известия» газетасининг мухбири.

(«Известия»нинг 17 август сони).

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида

Яқинда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг мажлиси бўлди. Унда меҳнаткашлар депутатлари Андижон область, Избоскан район Советининг раиси ўртоқ Г. Охуновнинг қишлоқ ва посёлка Советларига раҳбарлик ҳақидаги доклади тингланди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми раиси вазифасини бажаручи ўртоқ Рашидов музокарага чиққан президиум аъзоларининг сўзини якунлаб, қишлоқ ва посёлка Советларига раҳбарлик қилишда меҳнаткашлар депутатлари Избоскан район Совети ва шахсан унинг раиси ўртоқ Охунов қониқарсиз ишлаганини кўрсатди.

Район ижроия комитети муҳим ташкилий оммавий ишларни ўз ҳолига ташлаб қўйган.

1949 йилда район Совети фақат 2 марта сессия ўтказган, қишлоқ советларида 12 ўринга 2—3 сессия ўтказилган, холос. Натижада район ижроия комитети ўз ишини депутатлардан ажралган ҳолда олиб борган. Советларнинг сессияси камдан-кам ўтказилгани натижасида депутатларга, район ижроия комитетининг қишлоқ ва посёлка Советларига раҳбарлик қилишдаги иш услубини танқид қилишга имконият бўлмаган.

Бу районда кадрларни тарбиялаш масаласига ниҳоят кам эътибор бериб келганлар. Шунинг натижасида маҳаллий Советларга бўлиб ўтган сайловдан буён 17 қишлоқ совети раиси ва 13 секретарь алмаштирилган.

Район ижроия комитети қишлоқ Совети раислари ва секретарьларининг малакасини оширишга эътибор бермаган, улар учун семинарлар ташкил қилмаган.

Бу ҳол, меҳнаткашлар депутатлари Избоскан район Совети ижроия комитети ишида демократияни бузишга сабаб бўлган.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг Президиуми район ижроия комитети йўл қўйган хато ва камчиликларни бартараф қилиш учун кенг қарор қабул қилди.

Олий Совет Президиуми Избоскан район ижроия комитетига ушбу қарорни муҳокама қилиш учун район Советининг махсус сессиясини чақиришни топширди. Сессия ишларига қатнашиш ва район Совети ишларини яхшилашга ёрдам бериш мақсадида Олий Совет Президиуми Избоскан район Советига ўзининг махсус вакилини юборади.

Сан'ат ходимларининг конференцияси

Тошкентда Ўзбекистон сан'ат ходимларининг конференцияси бўлди. Конференция область ва колхоз-совхоз театрлари ишига ўтказилган кўрик якунларини муҳокама қилди.

Республиканинг театр коллективлари ВКП(б) Марказий Комитетининг кўрсатмаларини амалга ошириб, ҳозирги замон тематикасида шу кунниинг талабига мос келадиган яхши спектакллар яратишда анча муваффақиятга эришдилар. Республика театрлари кейинги вақтларда К. Яшиннинг «Генерал Раҳимов», А. Қаҳҳорнинг «Янги ер», М. Исмоилий ва Ж. Обидовнинг «Кенг майдонлар», Уйғуннинг «Олтин кўл», Туйғуннинг «Гулнор» ва кўпгина бошқа асарларни саҳнага қўйдилар.

Бирқанча театр ва концерт коллективлари рентабель ишлашга муваффақ бўлдилар, улар янги спектакллар кўрсатиш ва аҳолига хизмат қилиш соҳасида белгиланган планларни бажараётирлар.

Аммо, кўрик область ва колхоз-совхоз театрларининг ишида жиддий нуқсонлар борлигини ҳам аниқлаб берди.

Масалан, Охунбобоев номли Андижон театрида постановканинг сифатсизлиги натижасида «Навбаҳор», «Оила номуси», «Олтин кўл» сингари пьесалар яхши қўйилмаётир. «Гулсара» ва «Рус масаласи» сингари спектакллар авторларининг фикри қўпол суратда бузилган.

Қарши театри спектакларни қўйишда жиддий хатоларга йўл қўйган. Фарғонадаги рус драм театрининг режиссёри Абдулов «Нариги томонда» деган пьесани ўзбошимчалик блан қайтадан ишлаш ва автор томонидан ёзилган текстни қисқартириб, ўзича ўзгартирган.

Музокараларда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Сан'ат ишлари бошқармасининг ходими ўртоқ Обидов сўзга чиқиб, айрим театр раҳбарлари ВКП(б) Марказий Комитетининг тарихий қарорларида баён этилган фикрларнинг ғоят муҳимлигини ҳали ҳам пайқаб олмаганликларини таъкидлаб ўтди. Самарқанд, Андижон, Қарши ва бошқа шаҳарлардаги театрларнинг репертуари одатда ёлғиз «Тоҳир ва Зуҳра», «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» сингари музикали спектакллардангина иборат. Ҳозирги замон тематикасига оид пьесалар жуда кам саҳнага қўйилмоқда ва ёмон постановка қилинмоқда.

Режиссёрлардан Қудрат Хўжаев (Наманган), Турдиев (Андижон) ва бошқа ўртоқлар ҳамда конференциянинг бошқа қатнашчилари жойлардаги театр режиссёрларининг малакасини ошириш ва артистларнинг ўқувини йўлга қўйиш зарурлиги ҳақида гапирдилар. Область сан'ат бўлимларининг иши қаттиқ танқид қилинди. Область сан'ат бўлимлари қишлоқ театрларига раҳбарлик қилмаётирлар.

Конференция иштирокчилари область ва колхоз-совхоз театрларининг ишини янада яхшилашга қаратилган тадбирлар белгилаб чиқдилар. (ЎзТАГ).

МУВАҚҚАТ АРИҚЛАР ОЛИБ СУҒОРИШ СИСТЕМАСИНИНГ ЯНГИ СХЕМАСИ



Шартли белгилар

МАГИСТРАЛ КАНАЛ — сув манбаидан (дар'ё, кўл, ҳовуздан) сув тақсимловчи ариқларга сув беради.

СУВ ТАҚСИМЛОВЧИ АРИҚЛАР — магистрал каналдан келган сувни суғориш майдонлари, колхозлар, совхозлар ва муваққат суғориш ариқларига тақсимлаб беради.

МУВАҚҚАТ СУҒОРИШ АРИҚЛАРИ — суғориш даври учун доимий суғориш ариқлари ўрнига очилиб, тақсимловчи ариқларга келган сувни суғориш участкаларининг ўқ ариқларига беради.

ЎҚ АРИҚЛАР — муваққат ариқлардан сув олиб суғориш эгатларига беради. Ўқ ариқлар маҳаллий шароитга қараб, схемада кўрсатилганидек, фақат кўндалангига эмас, балки муваққат суғориш ариқларининг узунасига қаратиб ҳам олиниши мумкин, бу ҳолда суғориш эгатлари ва гўза қаторлари суғориш ариқларига кўндаланг бўлади.

СУҒОРИШ ЭГАТЛАРИ — тўғридан-тўғри экиларга сув беради.

КАНАЛ ВА АРИҚЛАР БЎЙИДАГИ ДАРАХТЛАР — (тут, мева дарахтлари ва бошқа хил дарахтлар).

„УЗБЕКБИРЛАШУВ" СОВЕТИНИНГ МАЖЛИСИ

Яқинда Тошкентда матлубот жамияти республика союзи советининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда, «Узбекбирлашув» правлениесининг раиси ўртоқ Саримсоқов республика матлубот кооперацияси системасида 1950 йилнинг биринчи ярмида мол оборотини планининг бажарилиши ва молия-хўжалик фаолияти ҳақида, «Узбекбирлашув» правлениеси раисининг муовини ўртоқ Биков растрат ва ўғирликка қарши курашиш чоралари ҳақида доклад қилдилар.

Саримсоқов ва Биков ўртоқлар ўз докладларида қишлоқ аҳолисининг молга бўлган талаби ниҳоят даражада ўсганини айтдилар. Колхозчиларга, совхоз ишчиларига сотилган моллар ўтган йилнинг биринчи ярим йилига қараганда бу йил 600 миллион сўмдан ортиқдир. Ғалла сотиш 26, ёғ сотиш 33, қанд ва кондитер моллари сотиш 71 процент ошган. Радиоприёмниклар савдоси ўтган йилга қараганда икки ҳисса ошган. Идиш-товоқ ва патефон савдоси бирярим ҳисса ошган. Сельпо магазинларида район матлубот кооперациясидан колхозчилар кўпгина қурилиш материаллари ва уй-рўзғор асбоблари сотиб олганлар.

Брок савдо-сотиқларнинг ҳажми колхозчилар ва совхоз ишчиларининг ўсиб бораётган талабларига мутлақо жавоб бермайди. Бу, матлубот кооперациясининг ишида бирқатор камчиликлар борлигини кўрсатади.

Пахтакорлар учун махсус келтирилган саноат моллари кўпинча уларга етиб бормайди, баъзан омборларда узоқ вақт тўхтаб қолади. Қишлоқларда зарур бўлган молларнинг турли хилда бўлиши кераклиги ҳақидаги қонда бузилмоқда. Ҳукуматнинг қишлоқ савдо тормоқларини кенгайтириш тўғрисида ва хўжалик аш'ёлари ҳамда қурилиш материаллари блан савдо қиладиган махсус дўконлар очиш ҳақида берган кўрсатмаси амалда бажарилмаётир.

Умумий овқатланиш муассасаларининг иши ниҳоят қониқарсиз аҳволда. Кўпгина чойхона ва ошхоналарда тозаликка риоя қилинмаётир. Овқатлар мазалик қилиб тайёрланмайди ва уларнинг турлари кўпайтирилмайди. Матлубот кооперацияси қишлоқ хўжалик маҳсулоти ва қишлоқ хўжалик хомаш'ёлари тайёрлашда ниҳоят қониқарсиз ишламоқда. У, болалар муассасаларини озиқ-овқат блан узлуксиз та'минлашга жиддий эътибор бермаётир.

«Узбекбирлашув» правлениеси, район ва область матлубот жамиятлари правленияларининг назорат қилмасликлари орқасида савдо тормоқларининг ишлари ёмон аҳволда. Натижада кўпгина магазин ва базаларга ўғрилар, муттаҳамлар жойлашиб олиб, кооператив маблағларини ўғирлайдилар ва совет савдоси принципларини бузадилар. Растратчилар ва кооператив мулкини талон-торож қилувчилар дарҳол жазоланмайди, кооператив кассасидан ўғирланган маблағлар ундириб олинмайди, растратлар ва ўғирликлар кўп ҳолда бухгалтерия ҳисоб-китоб ишларининг яхши йўлга қўйилмаганлиги, тафтиш ишларининг бўшлиги натижасида содир бўлмоқда.

Музокарага чиққан Қорақалпогистон республика матлубот жамиятининг раиси Лачугин, Самарқанд область матлубот жамиятининг раиси Юсупов, Сурхондарё область матлубот жамиятининг раиси Султонов, Андижон область матлубот жамияти раисининг ўринбосари Зубенко, Сурхондарё область, Тельпакчинор сельпосининг правление раиси Шерхўжаев ва бошқа ўртоқлар «Узбекбирлашув» правлениеси олдига ҳақли талаб қўйдилар. Улар партия ва ҳукуматимиз томонидан республика матлубот кооперацияси ишларини яхшилаш тўғрисида берган кўргазмали правление мутлақо қониқарсиз бажараётганини айтдилар.

Музокарачилар «Узбекбирлашув» правлениеси ва область матлубот жамиятларининг правленияларини кадрлар танлаш, улардан тўғри фойдаланиш ҳамда уларни тарбиялаш масалаларига ва матлубот жамияти уставини бузучиларга қарши курашда сустқашлик кўрсатаётганликларини, қарорлар ижроси учун кураш яхши йўлга қўйилмаганини айтиб ўтдилар. Кооператив мулкини талон-торож қилувчилар, растратчиларга қарши курашда сустқашлик кўрсатаётган Тошкент, Қашқадарё, Фарғона ва Наманган область матлубот жамиятлари правленияларини қаттиқ танқид қилиндн.

Муҳокама қилинган масала юзасидан тегишли тадбирлар белгиланди.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ МАЖЛИСЛАРИ

Ўзбекистон ССР нинг 1950 йилги Давлат бюджети ва Ўзбекистон ССР нинг 1949 йилдаги Давлат бюджетининг ижроси ҳақида

Ўзбекистон ССР молия министри М. И. ИСОМИДДИНОВ доклади

Депутат ўртоқлар!

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг 1950 йилги Давлат бюджетини ва 1949 йилги республика Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни Сизнинг қарамоғингизга ва тасдиқингизга тақдим этади.

Кўп миллатли совет халқи урушдан кейинги сталинча бешйиллик даврида улуғ Сталиннинг етакчилигида СССР халқ хўжалигини тиклаш ва янада ривожлантириш соҳасида жуда катта ютуқларга эришди.

Бу порлоқ ютуқлар саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг анчагина ўсганлигида ҳамда капитал қурилиш ишларининг урушдан аввалги даражасидан анчагина ошганлигида яққол намоён бўлди.

Бу ютуқларнинг қўлга киритилиши натижасида СССРнинг миллий даромади урушдан аввалги сур'атларидан тез ва анча ортиқ ўсди.

СССРда саноат ва озиқ-овқат молларининг баҳолари 1949 йилда Совет ҳукумати томонидан икки марта пасайтирилганлиги натижасидаёқ ҳарбир ишчи ва хизматчининг даромади урушдан аввалги даражадан ўрта ҳисоб блан 24 процент, деҳқонларнинг даромадлари эса 30 процентдан кўпроқ ўсди. 1950 йилнинг 1-нчи мартидан бошлаб яна нарх навонинг учинчи, энг кўп миқдорда пасайтирилганлиги эса совет халқининг моддий фаровонлиги янада ўсганлигидан гувоҳлик беради.

Тинчлик ва халқлар дўстлигини оғишмай қўриқлаётган социалистик Ватанимизнинг қудрати ва халқаро обрўси борган сайин мустаҳкамланмоқда.

Совет мамлакати урушдан кейинги бешйилликни муддатидан илгари бажариб, янги куч блан янада юксалаётган, шунингдек халқ демократияси мамлакатларининг хўжалик ва маданияти борган сари ўсиб бораётган бир вақтда, капиталистик дун'ёси капитализмнинг кун сайин кескинлашаётган кризиси ғирдобига ғарқ бўлаётир.

Барча капиталистик мамлакатларда ишлабчиқариш жуда ҳам қисқариб, ишсизлик беҳад ўсиб, пул муомаласи тамомила издан чиқиб, валюталарнинг қадри беқиёс пасайиб, қоғоз пул чиқариш жуда ҳам авж олиб, давлат бюджети доимий дифицитга мубтало бўлиб, давлат қарзи ва бу қарз юзасидан харажатлар ҳаддан ташқари ўсиб, кенг меҳнаткашлар оммаси қашшоқ ва оч-ялонғоч бўлиб бормоқда.

Америка Қўшма Штатларида 1950 йилнинг бошида муомалада бўлган пуллар урушдан аввалгига қараганда тўрт баравардан кўпроқ, Англияда 3 баравар, Францияда 11 баравар, Италияда 47 баравар ва Японияда 106 баравар кўпайди.

Америка Қўшма Штатларида озиқ-овқат маҳсулотларининг нарх-навоси урушдан аввалги даражага қараганда 3 марта, Францияда 20 марта, Италияда 60 марта ошиб кетди.

Барча капиталистик мамлакатларда меҳнаткашларнинг моддий аҳволи борган сари оғирлашаётганига қарамай солиқлар яна ҳам оширилмоқда. Бу солиқлар меҳнаткашлар гарданига жуда оғир юк бўлиб тушаётир.

Америка Қўшма Штатларида солиқларнинг суммаси 1939 йилдагига қараганда 8 марта, Англияда 4 марта, Францияда 30 марта кўпайди.

Меҳнаткашлар моддий аҳволининг бу қадар ёмонлашуви америка-англияли уруш оловини ёқучиларнинг тажовузкорлик сиёсатининг бевосита натижасидир.

Америка империализми қурриятпарвар қурия халқига қарши очиқдан-очиқ қуролли агрессия бошлади ҳамда Хитой, Вьетнам, Малайяга қарши ва Осиёдаги бошқа мамлакатларга қарши янги агрессив фитналар уюштирмоқда.

Совет Иттифоқи тинчлик, демократия ва социализм ишига бошчилик қилиб, тинчликни севучи бутун инсониятнинг олдинги сафида турибди.

Социалистик Ватанимизнинг барча халқлари Тинчлик тарафдорлари жаҳон конгресси Доимий Комитетининг атом қуролини тақиқлаш тўғрисидаги Стокгольм Мурожаатини якдиллик блан ма'қулладилар.

Ўзбекистон меҳнаткашлари улуғ Совет Иттифоқининг қардош халқлари блан биргаликда, фабрика ва заводларда, колхоз ва совхоз далаларида фидокорона меҳнат қилиш блан халқлар тинчлиги ва хавфсизлигини ҳимоя қилмоқдалар.

Улар стахановча тинчлик вахтасида туриб, ишлабчиқариш планларини ошириб бажаришга, маҳсулот сифатини яҳшилашга ва унинг таннархини тағин ҳам пасайтиришга эришмоқдалар.

Ўзбекистон пахтакорлари ўзларининг ватан олдидаги бурчларини яхши тушуниб, фидокорона меҳнатлари блан пахтадан мўл ҳосил етиштирдилар ва ҳозирги вақтда ҳосилга янада кўпроқ ҳосил қўшиш, пахтани ўз вақтида йиғибтериб олиб, давлатга топшириш учун астойдил тайёргарлик кўрмоқдалар.

Совет халқи ўз ҳукуматига, большевиклар партиясига ва бутун дун'ёда тинчликнинг улуғ байроқдори — меҳнаткашлар йўлбошчиси, устози ва дўсти ўртоқ Сталинга бўлган садоқатини ҳозирги кунларда ўзининг яратучи ижодий меҳнати блан намойиш қилмоқда. **(Қарсаклар).**

Депутат ўртоқлар!

Ўзбекистон меҳнаткашлари Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси тузилган куннинг 25 йиллигини январь ойида кўтаринки ватанпарварлик руҳида байрам қилдилар.

Ўзбекистон Ленин—Сталин партиясининг иродаси блан социализм ғалаба қозонган мамлакатга, хўжалиги ҳамда шаклан миллий ва мазмунан социалистик маданияти тўхтовсиз ўсиб бораётган мамлакатга айланди.

Республика ялпи саноат маҳсулотининг ҳажми 1949 йилда 1948 йилдаги ҳажмига нисбатан 110 процентни ташкил этди.

Республикамизнинг кўпгина корхона ва саноат тормоқлари (пахта тозалаш, ипак моллар ишлаш, ёғ, консерва, чармпойафзал, тикучилик ва бошқа саноат тормоқлари) 1949 йилги маҳсулот ишлаб чиқариш планларини муддатидан илгари бажардилар.

Республика саноати пахтачиликни ривожлантириш учун зарур бўлган қишлоқ хўжалик машиналари ва минерал ўғитлар ишлаб чиқаришни анча кўпайтирди.

1949 йилда кўмир чиқазиш 1948 йилдагига қараганда — 53 процент, пўлат — 78 процент, прокат — 32 процент, электр энергияси — 19 процент, экскаваторлар ишлаб чиқариш — 49 процент кўпайтирилди.

Кенг исте'мол моллари — газламалар, трикотаж моллар, шунингдек озиқ-овқат маҳсулотлари — ёғ, консерва, қанд ишлаб чиқариш анча кўпайди.

1949 йилда энергетика, саноат ва ирригация соҳасида жуда катта янги қурилиш об'ектлари ишга туширилди, машинасозлик, пахта тозалаш, ёғ саноати ва бинокорлик материаллари саноатига қарашли заводларнинг ишлабчиқариш қуввати оширилди.

Халқ хўжалигида шуғулланаётган ишчи ва хизматчилар сони 1949 йилнинг ўзидагина 6 процент ўсди.

Республика қишлоқ хўжалигини механизациялаш тобора ўсмоқда. Ўнмингларча трактор ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналари ишлаётганлиги, ирригацияга жуда йирик маблағлар сарф қилинаётганлиги, минерал ўғитлар ишлатилаётганлиги ва бошқалар — республика қишлоқ хўжалигининг ишлабчиқариш кучларини яна ҳам кўпроқ ривожлантириш учун ҳамма шароитларни вужудга келтирди.

Республиканинг колхоз ва совхозлари 1949 йилда давлатга 1948 йилдагидан кўпроқ ва энг юқори ҳосил олинган 1941 йилдагидан ҳам анча кўпроқ пахта топширдилар.

Шундай бўлса ҳам, республика 1949 йилги пахта тайёрлаш планини бажараолмади.

1949 йилги чакана мол обороти плани 100,7 процент бажарилди. Унинг умумий суммаси эса 1948 йилдагидан 1.400 миллион сўм ортди. Бу—республикамиз меҳнаткашларининг моддий аҳволи тағин ҳам яхшиланганлигини кўрсатади.

Республикамиз маданиятни ривожлантириш соҳасида ҳам катта ютуқларга эришди. 1949 йилда умумий та'лим мактабларида ўқучилар сони 1948 йилга нисбатан 8 процент, олий ўқув юртларида 11 процент ва техникумларда 5 процент ортди.

Ўзбекистон ССРнинг хўжалик ва маданий қурилишда эришган бу порлоқ ютуқлари — ленинча-сталинча миллий сиёсатнинг оламшумул тантанасидир.

Ўзбек халқи Ленин—Сталин партияси ва Совет ҳукуматининг раҳбарлиги остида қўлга киритган ютуқларига таяниб ва уларни янада кўпайтириб, Совет Иттифоқининг бошқа халқлари блан қўлни қўлга бериб, комил ишонч блан коммунизмнинг нурли чўққилари сари бормоқда. **(Қарсаклар).**

I. Ўзбекистон ССР нинг 1949 йилги Давлат бюджетининг ижро этилиш якунлари

Депутат ўртоқлар!

1949 йилги бюджетнинг ижро этилишига доир якунларни ма'лум қилишга ижозат берасиз.

Республикамизнинг 1949 йилги Давлат бюджети даромадлари 3.115,7 миллион сўм ва харажатлари 3.052,3 миллион сўм миқдорида бажарилди.

Даромадлар ҳаражатлардан 63.467 минг сўм ортиқ бўлиб, йил бошига ва охирига кўчиб ўтадиган бюджет маблағларининг қолдиқлари 95.708 минг сўмни ташкил этади.

Бюджет даромадлари плани 113.783 минг сўм ва харажатлари 134.853 минг сўм кам бажарилди.

1949 йил бюджетига оборот солиғи ажратмаларидан 76.726 минг сўм ва фойда ажратмаларидан 5.161 минг сўм кам тушди.

Ишлаб чиқариш ва молларни сотиш планини бажармаганлик орқасида Узбеквино, Главпарфюмерия, Главрасжирмасло, Заготзерно, Гўшт ва сут саноатининг, шунингдек озиқ-овқат саноатининг айрим тормоқлари ва корхоналари оборот солиғидан энг йирик суммаларни кам топширдилар.

Бирқанча министрлик ва идораларга қарашли корхоналар фойдалардан ажратмалар планини 27.198 минг сўм, шу жумладан: озиқ-овқат саноати корхоналари 5.773 минг сўм, енгил саноат корхоналари 4.557 минг сўм, савдо ташкилотлари 7.753 минг сўм ва коммунал хўжалиги корхоналари 1.010 минг сўм кам бажардилар.

Республика матлубот кооперацияси бюджетга даромад солиғини 3.280 минг сўм, инвалидлар кооперацияси 436 минг сўм кам берди.

Тўлов интизоми пастлиги ва молия идоралари етарли назорат қилмаганликлари натижасида айрим хўжалик ташкилотлари ва корхоналарнинг бюджетга тўловлардан йиғилиб қолган боқимондалари — 1950 йилнинг 1 январига 16.368 минг сўмни, шу жумладан: оборот солиғидан 8.409 минг сўмни ташкил этди.

Кўпгина молия идоралари колхозлардан ва аҳолидан солиқларни тўплаш соҳасида қониқарсиз ишлаганлиги 1950 йилнинг 1 январига 45.545 минг сўм боқимонда йиғилиб қолишига сабаб бўлди. 1949 йилда Тошкент, Самарқанд ва Андижон областьларида айниқса йирик суммалар тушмасдан қолди.

Бу ма'лумотлар Давлат бюджетининг Олий Совет томонидан тасдиқланган даромадлари анча ошириб бажарилиши мумкин эканлигини кўрсатади.

Ба'зи министрлик ва идоралар капитал ишларга чиқарилган маблағларни, асосан эса социал-маданий тадбирларга ажратилган маблағларни қониқарсиз сарф қилганликлари бюджетнинг харажатлар қисмининг бажарилмай қолишига сабаб бўлди.

Марказлаштирилган капитал харажатларга ҳукумат томонидан аниқланган бюджетдан чиқарилган 272.6 миллион сўмдан 57,8 миллион сўми, шу жумладан: республика Сув хўжалиги министрлиги томонидан 41,4 миллион сўми, Қишлоқ хўжалиги министрлиги томонидан 10,3 миллион сўми ва Енгил саноат министрлиги томонидан 3,7 миллион сўми ўзлаштирилмай қолган.

Ирригация йўли блан капитал харажатларга 1949 йил бюджетида кўрсатилган 133 миллионга яқин сўмдан ташқари, СССР Министрлар Совети ўз резерв фондидан қўшимча равишда 49,8 миллион сўм маблағ берди.

Сув хўжалиги министрлигининг раҳбар ходимлари бу йирик маблағлардан республика қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш учун тўла фойдаланишлари керак эди.

Лекин, ирригация соҳасида олиб бориладиган қурилиш ишларининг плани 1949 йилда фақат 67,7 процент бажарилди. Бу ҳол янги ерларни ўзлаштириш планининг анча қисми бажарилмай қолишига сабаб бўлди.

Сув хўжалиги министрлиги ирригация қурилишига чиқарилган маблағларни қониқарсиз ўзлаштираётганлиги Ўзбекистон ССР Олий Советининг аввалги сессиясида ҳам айтиб ўтилган эди.

Республика Сув хўжалиги министри ўртоқ Шамсиддинов министрликнинг бу соҳадаги ишларини яхшилаш учун қандай чоралар кўраётганини Олий Совет сессиясига ма'лум қилар, деб ўйлаймиз.

Миллатлар Совети бюджет комиссиясининг раиси депутат ХОХЛОВ СССР Олий Совети сессиясида социал-маданий тадбирларга чиқарилган маблағлар Ўзбекистон ССРда айниқса суст ўзлаштирилаётганлигини жуда ҳам тўғри кўрсатиб ўтган эди.

Ҳақиқатан ҳам маориф ишларига чиқарилган маблағлардан 96,6 миллион сўм, шу жумладан республика маориф министрлигининг идоралари ва тадбирлари учун ажратилган маблағлардан 72 миллион сўми, бошқа министрликлар ва идоралар бўйича 24,6 миллион сўми фойдаланмай қолди. Соғлиқни сақлаш ишларига ажратилган маблағдан 38,5 миллион сўми, жам'и бўлиб, социал-маданий тадбирларга чиқарилган маблағларнинг 131,4 миллион сўми сарф қилинмай қолди.

Умумий та'лим мактабларини асраш учун йирик суммалар (28 миллион сўм) сарф қилинмай қолганлигига, асосан, хўжалик харажатлари ва ёқилғи, ажратилган маблағдан мактабларни капитал ремонт қилиш, ўқув харажатлари, китоблар сотиб олиш, қишлоқ мактабларининг ўқитучиларига бепул коммунал хизмат кўрсатиш учун чиқарилган маблағлар кам ўзлаштирилганлиги сабаб бўлди, я'ни бошқа сўз блан айтганда, бу маблағлар умумий та'лим мактаблари ва қишлоқ ўқитучиларининг энг зарур эҳтиёжлари ҳисобига ўзлаштирилмай қолди.

Болалар уйлари, боғчалари ва мактаб интернатларига чиқарилган маблағлардан 30,1 миллион сўм фойдаланилмай қолди.

Маориф министрлиги томонидан кадрлар тайёрлаш учун ўзлаштирилмай қолган 8,2 миллион сўмдан 2 миллион сўми курсларга доир тадбирларга тўғри келади. Маориф министрлиги қишлоқ ўқитучиларини қайтадан тайёрлаш вазифасига етарли э'тибор бермаганлиги орқасида бу маблағлар сарфланмай қолган.

Маориф ишларига чиқарилган маблағларнинг бошқа министрлик ва идоралар томонидан ўзлаштирилмай қолганлигига ҳам худди шундай ҳоллар сабаб бўлди. Идоралар, айниқса озиқ-овқат ва енгил саноат министрликлари ва совхозлар министрлиги ўз болалар боғчаларига болалар жалб қилиш планини бажармадилар ва болаларнинг овқатланиш харажат нормалари камайиб кетишига йўл қўйдилар.

Енгил саноат министрлиги фабрика-завод шогирдлиги мактаби ва ҳунартехника мактабларида ўқучилар сони планини 18,8 процент кам бажарди, курсларда ўқитиш планини Сув хўжалиги министрлиги 64,4 процент, Совхозлар министрлиги 54,9 процент кам бажардилар.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги маданий-оқартув муассасалари ишлари комитети 1949 йилда 13 та янги кутубхона, 8 шаҳар клуби, 46 та қироатхона очмади, курсларда ўқитиш планини эса фақат 52,6 процент бажарди.

Фан ишларига чиқарилган маблағлардан 5.830 минг сўми, шу жумладан: Ўзбекистон ССР Фанлар академияси томонидан 11 проценти, Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик министрлиги томонидан 11,1 проценти, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Сан'ат ишлари бошқармаси томонидан 18,3 проценти ўзлаштирилмади.

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги 1949 йилда қишлоқ касалхоналарида ўринлар сонини кўпайтириш планини 177 та жой ва туғруқхоналарда 58 та жой ҳисобига кам бажарди. 57 та янги фельдшерлик пунктини ташкил этмади, болалар яслиларига болалар қабул қилиш планини кам бажарди. Шундай қилиб, социал-маданий муассасалар тормоғини кўпайтириш ва улар учун ходимлар тайёрлаш планининг бажарилмаганлиги ва шу сингарилар маориф ва соғлиқни сақлаш ишлари учун ажратилган маблағларнинг кам сарфланишига сабаб бўлди.

Барча министрлик ҳамда идоралар ва биринчи навбатда, республика Маориф ва Соғлиқни сақлаш министрликлари ва уларнинг маҳаллий идоралари, шунингдек меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий советлари халқ хўжалик планининг социал-маданий тадбирларга доир топшириқларини бажаришга э'тиборни оширишлари ва шу блан 1950 йил бюджетидан чиқарилган маблағларнинг тўла ва самарали ўзлаштирилишини та'мин этишлари лозим.

Бюджет маблағларини, айниқса социал-маданий тадбирлар учун ажратилган маблағларни ўзлаштиришда юз берган бу хунук аҳволга Ўзбекистон ССР Молия министрлиги ва унинг маҳаллий идоралари ҳам айбли эканлигини а'тироф қилишимиз керак. Улар социал-маданий тадбирлар планини бажаришга етарли даражада актив та'сир кўрсатмадилар ва бюджет маблағлари ҳамма жойда ҳам самарали ўзлаштирилишини етарли талабчанлик блан назорат қилмадилар.

Республика Молия министрлиги бундан ўзига тегишли хулосалар чиқарди ва молия идораларининг бу соҳадаги ишларини тамомила қайта қуриш учун чоралар кўрмоқда.

Ўзбекистон ССРнинг 1950 йилги Давлат бюджети даромадларини та'рифлашга ўтаман.

II. Ўзбекистон ССР нинг 1950 йилги Давлат бюджети даромадлари

Миллий республикаларнинг хўжалиги ва маданиятини янада юксалтириш вазифасига партия, Совет ҳукумати тинмай э'тибор бераётганликлари ва шахсан улуғ Сталин оталарча ғамхўрлик қилаётганлиги Совет давлатининг 1950 йилги Давлат бюджетида ҳам ўз ифодасини топди.

Агар Иттифоқчи республикаларнинг 1950 йилги Давлат бюджетлари умуман 3,1 процент кўпайган бўлса, Ўзбекистон ССРнинг Давлат бюджети 13,9 процент кўпайди.

Ўзбекистон ССРнинг халқ хўжалик планига тамомила мувофиқ тузилган 1950 йилги Давлат бюджети Ўзбекистон ССР Министрлар Совети томонидан даромадлари юзасидан 3 миллиард 575 миллион 332 минг сўм ва харажатлари юзасидан 3 миллиард 476 миллион 558 минг сўм миқдорида, даромадлари харажатларидан 98.774 минг сўм миқдорида ортиқ қилиб белгиланди.

Республика бюджетининг ҳажми 1 миллиард 587 миллион 907 минг сўм (ўсиш 18,4 процент) ва маҳаллий бюджетлар — 1 миллиард 888 миллион 651 минг сўм (ўсиш 10,4 процент) белгиланди.

Ўзбекистон ССР Давлат бюджетининг даромадлари қуйидагилардан иборат:

	(Минг сўм ҳисобида)
1. Оборот солиғидан ажратмалар	1.517.421
2. Корхоналарнинг ва хўжалик органларининг фойдаларидан ажратмалар	595.536
3. Корхона ва ташкилотлардан олинадиган даромад солиғи ва колхозлардан олинадиган даромад солиғидан ажратмалар	191.050
4. Машина-трактор станцияларининг даромадлари	182.000
5. Аҳолидан олинадиган давлат солиқларидан ажратмалар	364.420
6. Давлат заёмларидан ажратмалар	314.850
7. Маҳаллий солиқ ва йиғимлар	212.400
8. Бошқа тушимлар	197.655
Жам'и	3.575.332

1950 йилги бюджетнинг даромадларида оборот солиғидан тушадиган маблағлар ва фойдалардан ажратмалар қарийб 60 процентни ташкил этади.

Республика халқ хўжалиги бу топшириқларни фақат тўлдирибгина эмас, балки ошириб бажариш учун ҳам жуда бой резервларга эгадир.

Республика саноати ва бошқа халқ хўжалиги тормоқларининг ўтган йилги иш якунлари буни очиқ-ойдин кўрсатиб туради.

1949 йилги халқ хўжалик планини саноат умуман қониқарли бажарган бўлса ҳам, саноатнинг айрим тормоқлари ва айрим корхоналар маҳсулот чиқариш ва унинг таннархини пасайтириш планини бажармадилар.

1949 йилги маҳсулот ишлаб чиқариш планларини Озиқ-овқат саноати министрлиги, Бинокорлик материаллари саноати министрлиги, ва Маҳаллий ёқилғи саноати Бош бошқармаси, шунингдек республика саноатининг юздан ортиқ корхонаси бажармадилар.

Шу нарса ажабланарлики, бир хилда бўлган анчагина корхоналар 1949 йилни хилма-хил кўрсаткичлар блан якунладилар. Масалан, қўқондаги ёғ заводи (директори ўртоқ Ҳакимов) 1949 йилги маҳсулот ишлаб чиқариш планини 110,9 процент бажариб, 170 тонна ёғ тежади, жамғармалар планини 5.200 минг сўм ошириб бажарди ва директор фондига қарийб 220 минг сўм ажратди.

Когондаги худди шундай завод (директори ўртоқ Пчельников) маҳсулот чиқариш планини 99,8 процент бажарди, 204 тонна ёғ нобуд қилди ва қарийб 500 минг сўм кам фойда олди.

Қўқон ёғ заводи 1950 йилда ҳам планни ҳамма кўрсаткичлар юзасидан бажармоқда, Когон ёғ заводи эса 1950 йилда ўз ишини яхшилаш у ёқда турсин, балки яна ҳам ёмонлаштирди.

Самарқанд область (план 44,4 процент бажарилган), Бухоро область (план 49,2 процент бажарилган), Қашқадар'ё области (план 56,1 процент бажарилган) ва бошқа бирқанча областьларда маҳаллий совет ижроия комитетларига қарашли саноат корхоналари 1949 йилда жуда ёмон ишлаганликлари орқасида деярлик 25 миллион сўмлик маҳсулотни кам бердилар.

Қашқадар'ё, Сурхондар'ё, Бухоро ва Хоразм областьларидаги ҳунармандчилик кооперацияси артельлари, шунингдек Самарқанд, Бухоро областьларидаги ва Қорақалпоғистон АССРдаги инвалидлар кооперацияси маҳсулот ишлаб чиқариш планларини бажармадилар.

Бутун кооператив саноати бирқанча тормоқлари юзасидан 1949 йилги маҳсулот ишлаб чиқариш планини 80 миллион сўм кам бажарди. Ҳунармандчилик кооперацияси бинокорлик материаллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун мавжуд битмас-туганмас имкониятлардан жуда ҳам суст фойдаланмоқда. У 1949 йилда пишиқ ғишт чиқариш планини 74 процент, оҳак чиқаришни 50 процент, ганч, гипс, алебастр чиқаришни 40 процент, черепица чиқариш планини эса фақат 6 процент бажарди.

Ишлабчиқариш планининг бажарилмаганлиги маҳсулотларнинг таннархини ҳам қимматлаштириб юборди. Шу блан бирга, республика саноати маҳсулотнинг таннархини пасайтириш учун мавжуд бўлган бошқа резервлардан ҳам бутунлай қониқарсиз фойдаланди.

Унумсиз харажатларга, планга кирмайдиган, хўжасизлик орқасида кўриладиган ҳархил нобудгарчиликларга ҳалигача жуда кўплаб йўл қўйиб келинади. Республика саноатида умуман бундай нобудгарчиликлар 1949 йилда яқин 135 миллион сўмни, шу жумладан деярлик Уззаготхлоппром бўйича қарийб 62 миллион сўмни ташкил этди.

Республика пахта тозалаш саноати пахта толаси чиқиш планини 0,68 процент кам бажарганлиги ва пахта толасининг гуруҳлари юзасидан планни бажармаганлиги орқасида маҳсулотнинг таннархини деярлик 54 миллион сўм қимматлаштириб юборди.

Жуда кўп корхоналарда бракка қарши суст кураш олиб борилаётир. Масалан, Марғилондаги ипакчилик комбинати Москвадаги Ленинск Универмагига шу йил март ойида кўпгина ипак моллар жўнатган. Универмаг шу келган ипак молларнинг тўртдан бир қисмини паст нав'га ўтказишга мажбур бўлибди. Шу муносабат блан «Крокодил» журнали бундай деб ёзди: «Яна бу ипак моллар доғларга ҳам сероб. Крепдешиннинг ҳам доғи бор. Креп-жоржетнинг ҳам доғи бор. Файдишиннинг ҳам доғи бор. Фақат қуёш доғигина Марғилон комбинатидан миннат дор бўлолмапти».

Озиқ-овқат саноати министрлиги корхоналарида брак кўпайиб бормоқда. Брак 1948 йилда 1.325 минг сўм бўлган бўлса 1949 йилда, 1.853 минг сўмга етди. Министрлик 1949 йилда брак қилинган маҳсулотларнинг тугатилишидан 657 минг сўм зарар кўрди, бракка йўл қўйган шахслардан эса бор-йўғи 22 минг сўм ундириб олинди.

Озиқ-овқат саноатининг бирқанча тормоқлари ва корхоналари 1949 йилги маҳсулот ишлаб чиқариш планларини улгуржи сотиш баҳоларида деярлик 275 миллион сўм кам бажардилар.

Бу эса озиқ-овқат саноати 1949 йилда ишлаб чиқарган маҳсулотнинг таннархини ошириб юборди. Министрликнинг корхоналарида нобуд бўлган хомаш'ё ва материаллар 11,5 миллион сўмни, шу жумладан: фақат «Узбекрасмасло» трестида 6,3 миллион сўмни ва консерва саноатида 3 миллион сўмни ташкил этди.

Унумсиз харажатлар ва планга кирмайдиган, шу жумладан хўжасизлик орқасида йўл қўйилган ҳархил нобудгарчиликлар министрликда 37,4 миллион сўмни ташкил этди. Министрлик корхоналари 9 миллион сўм штраф ва жарима тўладилар.

Маҳсулот таннархини пасайтириш учун ишга солинмаётган резервлар халқ хўжалигининг бошқа тормоқларида ҳам оз эмас. Масалан, Ўзбекистон ССР Автотранспорт министрлиги юк ташиш ишини тартибга солган ва автомобильда юк ташиш баҳосининг қимматлашиб кетишига хотима берган бўлса, жамғармаларини 1949 йилдаёқ 6—7 миллион сўм кўпайтира олар эди.

Маҳаллий Советлар ижроия комитетларининг етарли э'тибор бермаётганликлари натижасида маҳаллий коммунал хўжалик ҳалигача водопровод, канализация, ҳаммом хўжалигининг рентабель ишлашига эришолмади ва бу ҳол унинг жамғармаларини жуда камайтириб юбормоқда.

Хўш, республикамизнинг саноати 1950 йилда қандай ишлаяпти?

Республика саноати йилнинг биринчи ярмида маҳсулот ишлаб чиқариш планини умуман бажарди. Лекин ба'зи тормоқлар ва корхоналар 1950 йилда ҳам кейинда қолмоқдалар.

Ўзбекистон ССР Озиқ-овқат саноати министрлиги биринчи ярим йиллик планини умуман 99,5 процент, унинг ёғ саноати 94,8 процент, спирт саноати 82,2 процент, макарон корхоналари 82,7 процент ва нонвайхоналари 92,2 процент бажарди.

Ўзбекистон ССР Озиқ-овқат саноати министри ўртоқ Муқимбоев министрликнинг 1949 йилда ва 1950 йилнинг биринчи ярмида бунчалик қониқарсиз ишлаганлиги сабаблари тўғрисида сессияга ҳар ҳолда ахборот берса керак.

Давлат бюджети даромад қисмининг бажарилиши товар обороти планининг бажарилиши блан маҳкам боғлиқдир.

Ҳолбуки, ҳали ҳам республика савдо ташкилотларининг ишида жуда жиддий камчиликлар бор. Моллар кўпинча аҳолининг эҳтиёжлари ҳисобга олинмасдан жўнатилади ва бу ҳол молларнинг таҳланиб қолишига сабаб бўлади. Давлат саноати ва маҳаллий саноатга қарашли ба'зи корхоналар ва ҳунармандчилик ҳамда инвалидлар кооперацияси артельлари планни умуман бажариш орқасидан қувлаб, маҳсулотларнинг белгиланган хиллари планини бузиш каби давлат манфаатларига хилоф практикага ҳалигача йўл қўйиб келмоқдалар, ба'зи ҳолларда паст сифатли маҳсулот чиқармоқдалар, савдо ходимлари эса маҳсулот сифатини яхшилаш ва уларнинг хилларининг аҳоли эҳтиёжларига мувофиқ кўпайтиришни етарли даражада қаттиқ туриб талаб қилмаётирлар.

Ўзбекистон ССР Савдо министрлигининг Главторги 1949 йилда чакана мол обороти ва умумий овқатланиш обороти планини анча кам бажарди. Главторг 1950 йилда ҳам ўз ишини яхшилайолмади—у 1950 йилнинг биринчи ярми учун белгиланган чакана мол обороти планини фақат 90,4 процент бажарди.

Республика матлубот кооперацияси мол обороти планини бажариш соҳасидаги ишларини яхшилаган бўлса ҳам, мол оборотини кенгайтириш ва колхозчиларнинг ўсган талабларини мумкин қадар яхшироқ та'минлаш учун мавжуд имкониятлардан ҳали ҳам етарли фойдаланмаётир.

Хўжаликда тўлов интизомини мустаҳкамлаш, хомаш'ё ва материалларнинг нормадан ортиқча ва кераксиз запас қилинишига, оборот маблағларининг капитал ва бошқа харажатларга банд қилинишига йўл қўймаслик лозим. Бу эса маблағларнинг айланишини тезлаштириш учун катта аҳамиятга эгадир.

Лекин ба'зи министрлик ва идоралар 1949 йилда дебитор қарзларни камайтириш ўрнига, аксинча кўпайтириб юбордилар.

Масалан, Озиқ-овқат саноати министрлиги корхоналарида 1950 йилнинг 1 январига дебитор қарзлар 1949 йилнинг 1 январидаги 20,4 миллион сўм ўрнига, 43,7 миллион сўмни ташкил этди.

Умуман саноатдаги кредитор қарзлар 1950 йилнинг 1 январига қарийб 215 миллион сўмни ташкил этди. Озиқ-овқат, Гўшт-сут саноати ва Маҳаллий саноат министрликларида кредитор қарзлар масаласи бутунлай йўл қўйиб бўлмайдиган бир аҳволга тушиб қолган.

Главторг, матлубот ва ҳунармандчилик, инвалидлар кооперацияларида ҳам дибетор қарзлар масаласи бундан яхши эмас.

Хомаш'ё ва материаллар қолдиқларининг нормадан ошиқча сақланиб келишига ҳали ҳам йўл қўйиб келинмоқда. Биргина Главторг системасида 1950 йилнинг 1 январига бўлган аҳвол юзасидан молларнинг нормадан ортиқча қолдиқлари 131 миллион сўмга, матлубот кооперациясида 434,8 миллион сўмга, енгил саноат корхоналарида эса 107,1 миллион сўмга етган.

Бу ма'лумотлар шуни кўрсатадики, маблағларнинг айланишини тезлаштириш масалалари блан ҳамма хўжалик ташкилотлари ва корхоналаримиз чинакамига шуғулланаётирлар деб бўлмайди.

Хўжалик ташкилотлари ва корхоналарнинг раҳбарлари бюджет тўловларини сра тўхтатмасдан топширишлари лозим.

Ўзбекистон ССР Давлат бюджетида социалистик корхоналар тўловларининг умумий салмоғи анча ўсгани ҳолда, аҳолидан олинадиган солиқ ва йиғимлар унча оширилгани йўқ.

Республика молия идоралари бу тўловларнинг батамом ва ўз вақтида тўпланишини та'мин этишлари керак.

Республика Молия министрлиги ва унинг идоралари ўтган йил аҳолидан ҳамда колхозлардан олинадиган солиқларни ҳисоблаш ва ундириш ишида жуда кўп жиддий хато ва камчиликларга йўл қўйдилар. Бирқанча ҳолларда улар давлат солиқлари, страхование ва бюджет маблағларининг сақланишини тегишинча та'мин этмадилар.

Республиканинг кўпгина районларида Давлат страхованиесига ва айниқса унинг ихтиёрий турларига доир ишлар жуда қониқарсиз ўтказилди.

Ба'зи районларда колхозларга, колхозчиларга ва бошқа страхованиечиларга страхование ҳақи тўлаш ишларида жиддий хатолик ва камчиликларга йўл қўйилди.

Республиканинг Янгийўл, Андижон ва ба'зи бир бошқа районларида страхование ҳақи тўлаш юзасидан белгиланган муддатлар бузилган. Бу районларда страхование органлари томонидан қонунга хилоф равишда кўп миқдорда пул тўланишига, шунингдек маблағларнинг страхование идораларига суқилиб кириб олган жиноятчи унсурлар томонидан ўғирланишига йўл қўйилган.

Республика Молия министрлиги ўз маҳаллий идораларининг ишини тамомила қайта қуриши, Ўзбекистонда солиқ ва страхование ишларини тартибга солиши, солиқ ва страхование тадбирларини ўтказиш вақтида қонунларга қаттиқ риоя қилиш учун ва солиқ ҳамда страхование тўловларини тўплаш юзасидан белгиланган планларни бажариш учун маҳаллий молия идораларининг мас'улиятини ошириши керак.

Республика бюджетига давлат заёмларидан қарийб 15 миллион сўм ажратма тушади.

Ўзбекистон ССРда СССР халқ хўжалигини тиклаш ва ривожлантириш Бешинчи давлат заёмига ёзилиш—юксак ватанпарварлик руҳида ўтди ва мўлжалланган заём суммаси ортиғи блан тарқатилди.

Республика колхозчилари заёмга ёзилган пулларининг ҳаммасини нақд тўладилар.

Меҳнаткашлар моддий фаровонлигининг борган сари ўсиши халқ жамғармаларини кўпайтириш учун шароит вужудга келтирмоқда.

Республикадаги, айниқса қишлоқ жойларидаги омонат кассалар аҳолининг омонатларини жалб қилиш ва омонат сақловчилар ҳамда заём эгаларига хизмат кўрсатиш ишларини яхшилашлари лозим.

III. Ўзбекистон ССР 1950 йилги Давлат бюджетининг харажатлари

Ўзбекистон ССРнинг 1950 йилги Давлат бюджети маблағлари халқ хўжалик планига мувофиқ қуйидаги мақсадларга сарф қилинади:

	1949 йилги бажарилишига нисбатан %% ҳисобидан	минг сўм ҳисобида
Халқ хўжалигини маблағ блан та'минлашга	942.419	133,8
Социал-маданий тадбирларга	2.209.451	107,8
Шу жумладан:		
Маориф ишларига	1.501.932	108,4
Соғлиқни сақлаш ишларига	600.045	108,0
Давлатни идора қилиш органлари ва суд органларига	264.953	102,7
Бошқа харажатларга	59.735	143,8
Жам'и	3.476.558	113,9

(ОХИРИ 4-НЧИ БЕТДА).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ МАЖЛИСЛАРИ

Ўзбекистон ССР нинг 1950 йилги Давлат бюджети ва Ўзбекистон ССР нинг 1949 йилдаги Давлат бюджетининг ижроси ҳақида

Ўзбекистон ССР молия министри М. И. ИСОМИДДИНОВ доклади

(БОШИ 3-НЧИ БЕТДА).

Демак, маблағларнинг 90,7 проценти халқ хўжалиги ва социал-маданий тадбирларга сарф қилинади.

Давлатни идора қилиш органлари ва суд органлари учун харажатлар ҳаммаси бўлиб 7,6 процентни ташкил этади.

Бюджетдан халқ хўжалиги учун чиқариладиган маблағлар 1949 йилги ҳақиқий бажарилишига нисбатан умуман 33,8 процент, шу жумладан: саноатга 58,9 процент ва қишлоқ хўжалигига 45,8 процент ортади.

Халқ хўжалигига чиқарилган маблағларнинг умумий суммасидан 225.123 минг сўми ёки 24 проценти саноатга, 549.748 минг сўми ёки 58 проценти қишлоқ хўжалигига ва 167.548 минг сўми ёки 18 проценти халқ хўжалигининг бошқа тормоқларига сарф қилинади.

Бюджетдан саноатга чиқариладиган маблағлардан Енгил саноат министрлигига 99.678 минг сўм, Озиқ-овқат саноати министрлигига 39.847 минг сўм, Гўшт-сут саноати министрлигига 25.945 минг сўм, Бинокорлик материаллари саноати министрлигига 18.233 минг сўм, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Полиграф саноати, нашриёт ишлари ва Китоб савдоси бошқармасига 19.921 минг сўм берилади.

Қишлоқ хўжалигига чиқариладиган маблағлардан Сув хўжалиги министрлигига 302.880 минг сўм, Ўрмон хўжалиги министрлигига 34.632 минг сўм, Қишлоқ хўжалик министрлигига 85.726 минг сўм, Совхозлар министрлигига 121.775 минг сўм, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Кўчириб жойлаштириш бошқармасига 4.755 минг сўм берилади.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Йўллар Бош бошқармасига 39.816 минг сўм ва Коммунал хўжалик министрлигига 81.148 минг сўм, шу ҳисобдан шаҳарларни ва район марказларини обод қилиш учун 40.2 миллион сўм ажратилади.

Ўзбекистон ССРга қарашли хўжаликнинг умумий капитал харажатлари суммаси 1949 йил планидаги 293.2 миллион сўмга нисбатан 1950 йилги халқ хўжалик планида 384.9 миллион сўм белгиланди. Демак, республика халқ хўжалигида капитал ишларнинг ҳажми борган сари ўсиб бормоқда.

Шунга қарамай, бизнинг капитал қурилиш ишларимизда жуда кўп жиддий камчиликлар бор.

Қурилишлар баҳоси ҳалигача жуда қимматлигича қолиб келади. Қурилишларнинг баҳоси асосан, лойиҳа ҳамда сметаларда харажатлар ошиқча кўрсатилиши, бинокорлик материаллари ошиқча ишлатилиши, механизмлардан қониқарсиз фойдаланилиши, материаллар ва пул маблағлари турли қурилишларга тарқатиб юборилиши, қурилишларнинг муддатлари узайтириб юборилиши ва янги қурилишларни ишга тушириш кечиктирилиши ҳисобига қимматга тушиб келади.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги маҳаллий ёқилғи саноати Бош идораси янги қурилишларни ишга тушириш планини 58 процент, Гўшт-сут саноати министрлиги—84 процент, Енгил саноат министрлиги 65 процент бажарди.

Енгил саноат министрлиги «Узлегпромстрой» трестига қарашли 1-нчи қурилиш-монтаж бошқармасининг иш ҳақи фондини нима учун доим ортиқча сарфлаб келганлигини ўрганмасдан 1949 йилда 281 минг сўм миқдоридаги ортиқча харажатни қоплашга рухсат берган. Трест бундан фойдаланиб, 1950 йилда ҳам иш ҳақи фондини ортиқча сарфлашни давом этдирмоқда—биринчи кварталнинг ўзидагина иш ҳақи фонди 244.8 минг сўм ортиқча сарфланган.

«Ўзлегпромстрой» трести, бунинг устига, бажарилган қурилиш-монтаж ишлари ҳақидаги ҳисоботларда иш ҳажмини ошириб кўрсатиш блан, я'ни кўзбўямачилик блан шуғулланади. 1949 йилда етти қурилиш контроль текширишдан ўтказилганида иш ҳажмининг 317,1 минг сўми миқдорида, шу ҳисобдан Самарқанддаги шойи тўқиш фабрикасида 159.4 минг сўми миқдорида ошириб кўрсатилганлиги аниқланди. Бундай аҳвол Ўзбекистон ССР енгил саноат министри ўртоқ Носировни ташвишга солмаётган кўринади. Ҳолбуки қурилиш ишлари узоққа чўзилмоқда, қимматга тушмоқда, янги қурилишлар ўз вақтида ишга туширилмайди, бу эса давлат манфаатларига зиён етказади.

Ба'зи министрликлар қурилаётган об'ектларни лойиҳа-смета ҳужжатлари блан ўз вақтида та'мин этмасдан қурилиш ишларини издан чиқармоқдалар ёки жуда ҳам кечиктириб юбормоқдалар.

Ишлабчиқариш майдонарини ишга тушириш юзасидан 1950 йилга белгиланган топшириқ сақлангани ҳолда, қурилишнинг смета баҳосини 1950 йилнинг 1 июлидан бошлаб ўрта ҳисобда 25 процент арзонлаштириш тўғрисида СССР Министрлар Совети қабул қилган қарор жуда муҳим халқ хўжалик аҳамиятига эгадир.

Бу қарор министрликларга ва идораларга, Маҳаллий Советлар ижроия комитетларига, молия органлари ва махсус банкларга йирик қурилишларга кўпроқ э'тибор бериш, уларни арзонга тушириш учун ва янги корхоналарни ўз вақтида ишга тушириш учун тинмай қурашиш мажбуриятини юклайди.

Махсус банклар бажарилган ишларнинг ҳажмини назорат учун ўлчаш практикасини кенгайтиришлари, пул тўлаш учун топшириладиган ҳужжатларнинг текширилишини кучайтиришлари, қурилишлар ва подрядчи ташкилотларга молиявий та'сир кўрсатиш чораларини чинакамига қўлланишлари, давлат маблағларининг ғайри қонуний йўллар блан сарфланишини ҳар қандай қилиб бўлса ҳам олдини олишлари керак.

Бюджетдан Маориф ишларига 1.501.932 минг сўм, ёки бюджетдаги умумий харажат миқдорининг 43.2 проценти, соғлиқни сақлаш ишларига 600.145 минг сўм, ёки 17,3 проценти ажратилади. Маориф ишларига ажратиладиган умумий маблағдан Ўзбекистон ССР Маориф министрлигининг тадбирлари ва муассасалари учун 1.145.741 минг сўм, Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг тадбирлари ва муассасалари учун 105.943 минг сўм Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Маданий-оқартув муассасалари ишлари комитетининг тадбирлари ва муассасалари учун 50.291 минг сўм, Пахтачилик Министрлигининг тадбирлари ва муассасалари учун 38.982 минг сўм, Қишлоқ хўжалик министрлигининг тадбирлари ва муассасалари учун 13.739 минг сўм, Совхозлар Министрлигининг тадбирлари ва муассасалари учун 2.643 минг сўм, Енгил саноат министрлигининг тадбирлари ва муассасалари учун 10.125 минг сўм берилади.

Умумий та'лим мактабларининг сони 206 та кўпайиб, 5000 тага етказилади, комплект-синфлар сони 1950 йилда 45.380 тага, ўқучилар сони эса 1.255 минг кишига етказилади ёки ўтган йилдагига қараганда 46 минг киши ортади. Хўжалик ишларига бўладиган ҳаражатлар нормаси ҳарбир классга шаҳар мактабларида 58 сўм ортиб, 1.223 сўмга етади, қишлоқ мактабларида эса — 35 сўм ортиб, 631 сўмга етади.

Китоблар сотиб олиш, мактабларни парталар, ўқув ва кўргазмали қўлланмалар блан та'минлаш учун, капитал ремонт қилиш учун, қишлоқ мактаблари қуриш ва болалар боғчалари очиш учун кўпроқ маблағ сарф қилинади.

Буларнинг ҳаммаси умумий та'лим мактабларининг моддий базаси жиддий равишда яхшиланаётганлиги ва ўқув-тарбия ишларининг сифатини янада ошириш учун шароит туғдирилаётганлигини кўрсатади.

Ишчи ва қишлоқ ёшлари мактаблари учун 17.128 минг сўм ажратилади.

Болалар боғчаларида болалар сони 1949 йилдагига нисбатан 10,4 процент кўпайиб, 1950 йилда 20.000 болага етади, уларнинг хўжалик ва бошқа харажатлари анча ортади. Қишлоқ мактаблари ҳузуридаги интернатлар учун бериладиган маблағ миқдори 70.3 процент ортиб, 12.822 минг сўмни ташкил қилади. Бунча маблағ болаларга хизматни яхшилаш блан бирга, интернатларда тарбияланучилар сонининг 1.700 кишига кўпайишини та'минлайди.

Маданий-оқартув тадбирлари ва муассасаларига ўтган йилга нисбатан 41 процент кўпайтирилиб, 50.502 минг сўм маблағ чиқариш кўзда тутилади. Кутубхона ва қироатхоналарнинг китоб фондини тўлғазиш учун 46 процент, қироатхоналарда эса—шу мақсадга 118 процент кўп маблағ берилади.

Маданий-оқартув муассасаларини капитал ремонт қилишга маблағлар 33,7 процент кўпайтирилади ва 8.013 минг сўмни ташкил этади. Шу блан ремонт ишлари арзонлаштирилди.

Кадрлар тайёрлашга 276.233 минг сўм ёки ўтган йилга қараганда 15.5 процент ортиқ маблағ чиқарилади.

Олий ўқув юртларида студентлар сони 20.031 кишидан 22.094 кишига; техникумларда 32.427 кишидан 36.716 кишига; фабрика-завод та'лим мактаблари, ҳунар-техника мактаблари ва кадрлар тайёрлаш ҳамда қайтадан тайёрлаш курсларида ва малака ошириш институтларида ўқучилар сони 1950 йилда қарийб 35 минг кишига етади.

Илмий-текшириш муассасалари учун 62.143 минг сўм, шу жумладан: Ўзбекистон ССР Фанлар Академиясига 31.093 минг сўм чиқарилади.

Сан'ат ишлари учун 12.698 минг сўм чиқарилади.

Матбуот учун чиқариладиган маблағлар 18.811 минг сўмни ташкил этади.

Соғлиқни сақлаш ишлари учун 1950 йил бюджетидан кўзда тутилган маблағлар тиббий муассасалар сони янада кўпайтирилишини ва меҳнаткашларга тиббий хизмат кўрсатиш яхшиланишини та'мин этади.

Соғлиқни сақлаш соҳасида йирик қурилиш ишларига 4 марта кўп маблағ чиқарилади. Қишлоқларда касалхоналар қурилишига бериладиган маблағ икки мартадан ҳам зиёд ортиб, 7.560 минг сўмни ташкил этади.

Касалхоналарда ўринлар сони 1.148 жой, шу жумладан қишлоқ касалхоналарида 525 жой ҳисобига кўпайтирилади ва республикадаги касалхоналарнинг ўринлар сони 1950 йилда 29.500 тага етади.

Санитария-эпидемия станцияларининг сони 175 га, безгакка қарши кураш станциялари 138 га, безгакка қарши кураш пунктлари 453 га етказилади.

1950 йилга 4.350 санатория ўринлари, шу жумладан: болалар санаториларида 3.825 ўрин ташкил этиш кўзда тутилади. Болалар уйларида ўринлар 24 процент кўпайтирилиб, 1650 тага етказилади, болалар яслиларида эса ўринлар сони 1949 йилдаги 21.438 дан 22.700 га етказилади.

Амбулатория-поликлиника шохобчаларидаги врачлар сони шаҳарларда 440 кишига ва қишлоқларда 334 кишига кўпаяди.

1950 йилда социал-та'минот ишларига 97.5 миллион сўм, шу жумладан: меҳнат инвалидларига пенсия тўлаш учун 53.4 миллион сўм чиқариш кўзда тутилади. Бу маблағлар пенсиячилар сонини кўпайтиришга ҳам, ўқитучиларга, тиббий ходимларга кон, нефть саноати ишчиларига ва бошқа гуруҳдаги меҳнаткашларга пенсияларни кўпайтиришга ҳам имкон беради.

Ижтимоий-маданий тадбирларга кўп маблағ чиқарилиши министрликлар ва идораларга шу жумладан Молия министрлигига ва унинг жойлардаги органларига, меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетларига социал-маданий тадбирлар учун, айниқса қишлоқдаги социал-маданий тадбирлар учун бюджетдан берилган маблағлардан тўла фойдаланмасликдан иборат қораланган практикага хотима бериш мажбуриятини юклайди.

Шуни эсда тутиш зарурки, аёллар колхозда катта кучдир. Колхозчи аёлларнинг жамоат-сиёсий ишларга тортишда ва ишлаб чиқаришда актив қатнашишларини та'минлаш мақсадида барча социал-маданий муассасаларнинг ишларини ҳартарафлама яхшилаш—сра кечиктириб бўлмайдиган вазифамиздир.

1950 йилда шаҳар ободончилиги ҳамда маҳаллий советларнинг уй-жой фондини капитал ремонт қилишга ажратилаётган анча йирик маблағларни (25,5 миллион сўм) самарали ўзлаштириш зарур. Уй-жой фондини ремонт қилишга мўлжалланадиган маблағларнинг ўзлаштирилмасдан келаётганлигига тамомила хотима бериш керак.

Маҳаллий бюджетларни та'рифлашга ўтаман.

IV. 1950 йилги маҳаллий бюджетлар

1950 йилги маҳаллий бюджетларнинг ҳажми 1949 йилдаги ҳақиқий ижро этилишига нисбатан 10,4 процент оширилиб — 1 миллиард 888 миллион 651 минг сўм миқдорида белгиланди.

Областьлар, Қорақалпоғистон АССР ва Тошкент шаҳар бюджетлари тасдиқлаш учун қуйидаги суммаларда тақдим этилади:

	минг сўм ҳисобида	1949 йилги ижросига нисбатан %% лар ҳисобида
Тошкент шаҳри	266.815	103,2
Тошкент области	271.592	117.8
Фарғона области	205.521	105,6.
Андижон области	140.208	108 7
Наманган области	123.589	103.6.
Самарқанд области	284.761	117,0
Бухоро области	142.862	113.5
Қашқадар'ё области	115.952	110.3
Сурхондар'ё области	86.986	117.1
Хоразм области	90.650	106.1
Қорақалпоғистон АССР	159.715	110.1

Ўзбекистон ССР областьлари, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон АССР бюджетининг ҳажми бир текисда ўсмаганлигига асосан — 1949 йил бюджетининг айрим областьлар томонидан ҳақиқий бажарилиш даражаси ҳархил бўлганлиги сабаб бўлди.

1949 йилги маҳаллий бюджетларнинг даромадлари 95,9 процент ва харажатлари 94,7 процент бажарилди.

Самарқанд, Тошкент, Қашқадар'ё ва Бухоро областьлари маҳаллий бюджетнинг даромад қисмини айниқса қониқарсиз бажардилар. Самарқанд области даромад қисмини 89,6 процент, Тошкент области 89,7 процент, Қашқадар'ё области 91,1 процент ва Бухоро области 92,7 процент бажарди. Маориф ишларига чиқарилган маблағдан Сурхондар'ё, Самарқанд ва Тошкент областьлари ва Қорақалпоағистон АССР соғлиқни сақлаш ишларига чиқарилган маблағлардан Сурхондар'ё, Қашқадар'ё, Бухоро областьлари ва Қорақалпоғистон АССР айниқса қониқарсиз фойдаландилар.

1950 йилги маҳаллий бюджетлар Ўзбекистон ССР Давлат бюджетининг ҳажмига нисбатан 54,3 процентни ташкил этади.

Ўзбекистон ССР Давлат бюджетидан маориф ишларига бўладиган ҳамма харажатларнинг 64,2 проценти ва соғлиқни сақлаш ишларига бўладиган харажатларнинг 39,5 проценти маҳаллий бюджетлар ҳиссасига тушади.

Бу — меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий советларининг Ўзбекистон ССРнинг 1950 йилги Давлат бюджетини бажариш учун курашдаги аҳамиятини белгилаб, маблағлардан тўла ва самарали фойдаланишни та'минлашга мажбур қилади.

V. Назорат-тафтиш ишлари

Молия Министрлигининг назорат-тафтиш аппарати 1949 йилда бюджет муассасалари, хўжалик ташкилотлари ва корхоналарда жам'и бўлиб 23 миллион сўмдан ортиқ маблағнинг қонунга хилоф равишда ва ошиқча сарф қилинганлигини шу жумладан ма'мурий идора аппарати учун деярлик 10 миллион сўм ортиқча харажат қилинганлигини, хусусий кишилардан ва коммерсия магазинларидан қонунга хилоф равишда мол сотиб олишга қарийб 6 миллион сўм сарф қилинганлигини аниқлади.

Тафтиш қилиб кўрилган ба'зи муассасаларда давлат молия интизоми жуда кўпол равишда бузилганлиги очилди. Тошкент медицина институтида 1949 йилда давлат штат-смета интизомини бузиш йўли блан қонунга хилоф равишда қарийб 400 минг сўм сарфланган. Қашқадар'ё область ижроия комитети ва областьдаги ба'зи муассасалар идора харажатларини қонунга хилоф равишда 170 минг сўм ошириб юборганлар. Шу областьнинг соғлиқни сақлаш бўлими марказлаштирилган тадбирларга чиқарилган маблағлардан 65 минг сўмини идора харажатларига сарф қилган.

Халқ маорифи муассасалари системасида ўқитучилрнинг иш ҳақи фонди ҳисобидан қонунга хилоф равишда маблағ харажат қилган ва ортиқча пул тўлашга йўл қўйган жиноятчилар ҳалигача жиноий жавобгарликка тортилмай келадилар.

Соғлиқни сақлаш системасида иш ҳақи фондини «ўриндошлик» йўли блан хақ тўлаш ниқоби остида қонунга хилоф равишда сарф қилиш ҳалигача тугатилган эмас. Соғлиқни сақлаш министрлигининг раҳбар ходимлари эса, бундай ҳолларга муросасозлик блан қараётганга ўхшайдилар.

Бундай хатоларнинг ҳаммаси назорат-тафтиш ишлари яхши йўлга қўйилганда юз бермаган бўлар эди.

Республика идораларининг ички назорат ишлари ҳалигача тартибга солинган эмас. Министрликлар ва идораларда дастлабки, жорий назорат ишлари тегишинча тартибга солинмаган, тафтиш ишлари бундан ҳам ёмон аҳволда қолиб келади.

Идораларнинг ички молия назорати блан шуғулланучи аппарат тўлдирилмаган; тафтишчилар жуда кўп вақт бошқа ишларга чалғитилади; министрликлар ва республика идоралари томонидан муассасалар қарамоғидаги идораларнинг ҳаммасини ҳар йили тафтиш қилиш вазифаси бажарилмаётир.

Маориф министрлиги ўз марказий аппаратидаги тафтишчиларнинг штати 100 процент тўлдирилгани ҳолда, 19[illegible] йилда ўз муассасаларидан фақат 71 процентини. Соғлиқни сақлаш министрлиги ўз муассасаларидан 45 процентини ва хўжалик ташкилотларидан 10 процентини. Маҳаллий саноат министрлиги 14,2 процентини, Енгил саноат министрлиги 43 процентини тафтишдан ўтказган.

Тафтишларнинг сифати ҳам кўп ҳолларда жуда паст бўлади. Тафтиш материалларини ҳал қилишни узоқ вақт кечиктириш фактлари ҳалигача тугатилган эмас. Тафтиш натижалари юзасидан берилган таклифларнинг ижроси ҳамма жойда ҳам яхши қўйилган деб бўлмайди. Шуни айтиб ўтиш керакки ба'зи муассасалар, хўжалик органлари ва корхоналарнинг счетларида ўғирланган ва талон-торож қилинган, аммо ундирилмаган кўпгина суммани кўрамиз. Лекин уларни ундириш учун қат'ий чоралар кўрилмаётир. Республика Маориф министрлиги ўзига қарашли муассасаларда қанча маблағ талон-торож қилинганлигини ва ўғирланганлигини ҳамда моддий жавобгар шахсларнинг атестациядан ўтказилган ёки ўтказилмаганлигини билмайди.

Министрликлар ва идораларнинг раҳбарларидан ҳамда маҳаллий советлар ижроия комитетларининг раислари дан идораларда ички назоратга фарксиз муносабатда бўлишни тугатишни, бундан кейин социалистик мулкнинг даҳлсиз сақланишини та'мин этишни, талон-торож қилинган ва ўғирланган маблағларни ҳамда мол-мулкларнинг қиммати ни қисқа вақт ичида ундириб олишни талаб қилиш керак.

Депутат ўртоқлар!

Сизнинг қарамоғингизга ва тасдиқингизга тақдим этилган Ўзбекистон ССР Давлат бюджети урушдан кейинги сталинча бешйиллик сўнгги йилининг республика халқ хўжалик планини муваффақиятли равишда бажариш учун жуда муҳим аҳамиятга эгадир.

Бизнинг улуғ мамлакатимиз — социализм ғалаба қозонган мамлакатимизнинг Давлат бюджети халқ манфаатларига тамомила ва тўла-тўкис жавоб беради.

Шубҳа йўқки, республикамизнинг меҳнаткашлари Ўзбекистон ССРнинг 1950 йилги Давлат бюджетини ғоят катта қаноатланиш блан қабул қиладилар ва 1950 йилги халқ хўжалик планини барча сон ва сифат кўрсаткичлари бўйича тўла ва ошириб бажариш учун фидокорона меҳнат қилиб, унинг муваффақиятли равишда амалга оширилишини та'мин этадилар.

Ўзбекистон ССР Давлат бюджетининг муваффақиятли бажарилиши — 1950 йилги пахта тайёрлаш планининг республика томонидан бажарилиши блан жуда махкам боғлиқдир.

Улуғ Сталиннинг Ўзбекистонда пахтачиликни ривожлантириш ҳақида қилаётган оталарча ғамхўрлиги республика қишлоқ хўжалигини янада кучли сур'атда механизациялашни та'мин этди. Ўзбекистон колхозчилари бу йил пахтадан мўл ҳосил етиштирдилар. Уни кўзқорачиғидай асраб ҳосилни сўнгги грамматича йиғиб-териб олиш керак — ҳозирги куннинг энг муҳим вазифаси мана шу.

Пахта тайёрлаш планини тўла ва ошириб бажариш — Ўзбекистондаги барча меҳнаткашларнинг шарафли иши уларнинг севикли социалистик юртимиз олдидаги энг муҳим ватанпарварлик бурчидир.

Кўп миллатли совет халқи улуғ йўлбошчимиз, устозимиз ва дўстимиз ўртоқ Сталин доноларча олдиндан чизиб берган йўлдан коммунистлар партиясининг синалган раҳбарлиги остида коммунизм тантанаси сари ишонч блан бормоқда!

Бутун дун'ё меҳнаткашларининг йўлбошчиси, устози ва дўсти улуғ Сталин узоқ йиллар яшасин ва омон бўлсин.

(Гулдурос қарсаклар).

ТИНЧЛИК ТАРАФДОРЛАРИ ЖАҲОН КОНГРЕССИ ДОИМИЙ КОМИТЕТИ БЮРОСИНИНГ ТИНЧЛИК ТАРАФДОРЛАРИ ИККИНЧИ ЖАҲОН КОНГРЕССИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДАГИ МУРОЖААТИ

ПРАГА, 18 август. (ТАСС). Тинчлик тарафдорлари жаҳон конгресси Доимий комитетининг Прагада тўпланган Бюроси Тинчлик тарафдорларининг иккинчи жаҳон конгрессини чақириш тўғрисида мурожаат қабул қилди. Мурожаатда бундай дейилади: «Юз миллионларча эркак ва хотин-қизлар Стокгольм Мурожаати атрофида бирлашдилар ва ҳамон бирлашмоқдалар. Тинчлик тарафдорлари жаҳон конгресси Доимий комитетининг Бюроси ана шу миллионларча эркак ва хотин-қизлар номидан иккинчи конгрессни чақиради. Конгрессининг мажлислари 1950 йил 13 ноябрьдан 19 ноябрьгача Буюк Британияда ўтказилади.

Сўнгги вақтларда кескинлашган халқаро аҳвол умумий тинчликка бевосита таҳдид қилмоқда ва барча тинчлик тарафдорлари зиммасига ҳарқачонгидан ҳам муҳимроқ янги мажбуриятлар юклайди.

Тинчлик тарафдорлари атом қуролини тақиқлаш йўлидаги ўз компанияларини давом этдирмоқдалар ва ҳарқандай қурол-яроғларни ҳамма ерда чеклашни ва улар устидан назорат ўрнатишни яна қувватламоқдалар. Ҳарқандай қурол-яроғларнинг кўпайтирилаётганлиги уруш хавфини оширади ва халқлар зиммасига кўп қийинчиликларни юклайди.

Тинчлик тарафдорлари агрессия қаерда юз бермасин унга қарши чиқадилар ва халқларнинг ички ишларига ташқаридан қурол блан аралашишни қоралайдилар. Тинчлик тарафдорлари айрим мамлакатларда юз бераётган шундай интервенцияга барҳам берилишини талаб этадилар.

Тинчлик тарафдорлари Қуриядаги урушни тўхтатиш йўлида қилинаётган ҳаракатларни табриклайдилар ва қувватлайдилар. Қуриядаги уруш умумий жанжалга айланиш хавфи блан таҳдид қилучи бир ўчоғдир.

Тинчлик тарафдорлари ёппасига бомбардимон қилишларга қарши қат'ий норозилик билдирадилар. Бундай бомбардимонлар натижасида граждан аҳоли қурбон бўлмоқда.

Тинчлик тарафдорлари Хавфсизлик Советидан (Хавфсизлик Совети составига беш улуғ давлатнинг ҳақиқий вакиллари кириши керак) Қурия масаласини мумкин қадар тезроқ тинч йўл блан ҳал этишга киришишни ва ҳар икки манфаатдор томон вакилларига ўз фикрларини ма'лум қилиш имкониятини беришни талаб этадилар.

Тинчлик тарафдорлари қайси мамлакатда бўлмасин уруш чиқишига ёрдам берадиган ҳарқандай агрессиянинг тақиқланишини талаб этадилар.

Биз бутун дун'ёдаги барча тинчлик тарафдорларини ана шу таклифларни аҳоли ўртасида кенг миқ'ёсда муҳокама қилишни уюштиришга ва тинчлик тарафдорларининг фикрларини ифода этучи кишиларни иккинчи жаҳон конгрессига сайлашга чақирамиз.

Бизлар барча сиёсий, касаба союз, маданий, ижтимоий ва диний ташкилотларга, шунингдек хотин-қизларга ва ёшларга, бутун жаҳонда тинчликни сақлашга интилучи барча кишиларга мурожаат қилиб, уларни сиёсий маслаклари ва ғоявий қарашлари қандай бўлишидан қат'ий назар ана шу вазифани бажаришда иштирок этишга чақирамиз.

Биз Стокгольм Мурожаати атрофида бирлашган ва ғоят кўпчиликни ташкил қилган кишиларнинг нақадар зўр куч эканлигини биламиз. Ана шу бирлашиш янада кенгайтирилиши ва кучайтирилиши керак. Биз олиб бораётган кампаниямизнинг зўр та'сирини амалда кўраолдик.

Шундай қилиб, ҳозирнинг ўзидаёқ дастлабки қадамлар ташланди. Бундан кейин ҳам илгарига қараб янги қадамлар қўямиз. Бу қадам натижасида халқлар мустаҳкам тинчликка эришаолишлари мумкин ва лозим. Тинчликни ҳамма чин кўнглидан орзу қилади.

Бу тинчликка қурол кучи блан эришиб бўлмайди. Тинчликка яхши ниятли барча эркак ва хотин-қизларнинг ҳамма ерда биргалашиб ҳаракат қилишлари натижасида эришиш мумкин. Бундай ҳаракат туфайли ақил-идрок ва адолат ғалаба қилади» Мурожаатга Тинчлик тарафдорлари жаҳон конгресси Доимий комитети Бюросининг топширувига мувофиқ Фредерик Жолио-Кюри қўл қўйган.

ҚУРИЯДАГИ ВОҚИАЛАР

ҚУРИЯ ХАЛҚ-ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ АРМИЯСИ БОШ ҚЎМОНДОНЛИГИНИНГ АХБОРОТЛАРИ

ПХЕНЬЯН, 18 август (ТАСС). Қурия халқ-демократик республикаси Халқ армиясининг Бош қўмондонлиги 18 август эрталаб қуйидаги ахборотни э'лон қилди:

Халқ армиясининг қисмлари ҳамма фронтларда америка қўшинларига ва лисинманчи қўғирчоқ қўшинларга қарши шиддатли жангларни давом этдирмоқдалар.

Халқ армиясининг қўшинлари америка қўшинларининг авиация ёрдами блан қаршилик кўрсатиш йўлидаги уринишларига зарба бериб ҳужумни давом этдираётирлар.

Халқ армиясининг 14 августда Тапудон (Тафудо) томонга қараб ҳужум қилган қўшинлари душман мудофаасининг муҳим узели ва катта алоқа маркази бўлмиш Тапудон шаҳрини озод қилдилар.

Халқ армияси қўшинлари шу томонда олиб борилган жангларда америкаларнинг янгидан тузилган 24-нчи дивизиясига ва 1-нчи америка отлиқ (мотомеханикалаштирилган) дивизиясига ғоят катта талафот етказдилар.

Халқ армиясининг жанубий қирғоқ ёқалаб илгари силжиб бораётган қисмлари 25-нчи америка дивизиясига ва денгиз пиёда аскарлар отрядларига зарба бермоқдалар.

ПХЕНЬЯН, 18 август (ТАСС). Қурия халқ-демократик республикаси Халқ армиясининг Бош қўмондонлиги 18 август кечқурун қуйидаги ахборотни э'лон қилди:

Халқ армиясининг қисмлари ҳамма фронтларда америка қўшинларининг ва лисинманчи қўғирчоқ қўшинларнинг қаттиқ қарши атакаларини қайтариб, ҳужумни давом этдирдилар.

Халқ армиясининг жанубий қирғоқ районида ҳужум қилаётган қўшинлари танк қисмлари ва денгиз пиёда аскар отрядидан мадад олиб турган 25-нчи америка дивизиясининг асосий кучларига кўп талафот етказдилар.

2 августдан 12 августга қадар бу районда душманнинг 5 мингдан ортиқ солдат ва офицери ўлдирилди ва ярадор қилинди ҳамда 2 мингдан ортиқ солдат ва офицери асир олинди.

29 танк, 155 миллиметрли 15 тўп, 105 миллиметрли 24 тўп, 76 миллиметрли 7 тўп 60 миллиметрли 40 миномёт, 32 та ракетали замбарак, 7 та ўзиюрар замбарак, 30 та зенит пулемёти, 43 та оғир пулемёт, 10 та енгил пулемёт, 400 та автомат, 2 минга милтиқ, 400 дан ортиқ автомашина ва кўп миқдорда ўқ-дори ўлжа олинди.

Бошқа фронтларда шиддатли жанглар давом этмоқда.

ҚУРИЯДАГИ ВОҚИАЛАР ТЎҒРИСИДА АНГЛИЯ ХАБАРЛАРИ

ЛОНДОН, 18 август. (ТАСС). Англия газеталарининг та'кидлашига қараганда америка авиацияси аввалгидек кенг жар солиб Тэгу (Тайкю) районидаги Шимолий Қурия қўшинларини ёпирилиб бомбардимон қилгандан кейин бирнеча соат ўтгач Шимолий Қурия қўшинлари ҳужумга ўтиб, Тэгу бўсағасидаги америка мудофаасини ёриб ўтганлар.

«Дейли миррор» газетасининг Жанубий Қурия фронтидаги мухбири ёзади: «16 августда ёпирилиб қилинган бомбардимон натижасида жуда кўнгилсиз ҳодиса юз бериши мумкин деб хавфсиранган эди. Тэгуга бошланган даҳшатли ҳужум бу хавфсирашнинг ўринли эканини тасдиқлади. Эрталаб ҳаводан қаттиқ бомбардимон қилингандан сўнг шимолий қуриялилар бомбардимон бўлган ернинг андак шимолида мудофаани ёриб ўтдилар ва кечқурун Тэгудан 10 миля масофага етиб олдилар. Бу аҳвол шуни кўрсатадики, ғалаба қозонишга қат'ий бел боғлаган қўшинлар ёпирилиб қилинган бомбардимонларга ҳам бардош бераолар экан».

«Дейли экспресс» газетасининг мухбири хабар беради: «ҳаво ҳужумининг хакиқий оқибатлари 17 августда ма''лум бўлди. Шу куни икки дивизия (бу дивизиялар бомбардимон қилинган участкада турган бўлса керак) шимолда пайдо бўлиб колди ва ҳужум бошлади».

ЛОНДОН, 18 август. (ТАСС). Рейтер агентлигининг Макартур штабидаги мухбири берган хабарга қараганда, бугун Жанубий Қурия «ҳукумати» тўпга тутилаётган Тэгу (Тайкю) шаҳрини бўшатиб чиқкан. Шимолий Қурия қўшинларининг қисмлари Гуньи (Гуньи)дан Тэгуга қараб бормоқдалар.

Мас'ул муҳаррир ўринбосари
Б. РАҲМОНОВ.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА (Пушкин номли парк) — 20 августда **Ғунчалар.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА—**Ғ. Камол номидаги Татар давлат Академик** театрининг **хайрлашув гастроли**—20 августда **концерт**. Касса кундуз соат 2 дан очилади

«ЕШ ГВАРДИЯ» — кундуз **Кўк қиличлар**, кечқурун **Осмон секинюрари.**

«РОДИНА», «ВАТАН», ёзги «НАВОИЙ», «ХЕВА», «УДАРНИК», ёзги «ТЕЛЬМАН» кинотеатрларида — янги бадиий фельм **Кўк қиличлар.**

«ИСКРА» (ёзги)—**Кубань казаклари.**

«НАВОИЙ» (қишки) — кундуз **Кўк қиличлар**, кечқурун **Ленин Октябрьда.**

«9-НЧИ МАЙ» — **Улуғ тонг.**

«ИСКРА» (қишки) — 1-нчи залда **Ор-номус суди**, 2-нчи залда **Эски Прага қаҳрамонлари**, 3-нчи залда **Яков Свердлов.**

«ОКТЯБРЬ» — **Зоя.**

«ЎЗБЕКИСТОН» — кундуз **Олтин калид**, кечқурун **Кўк қиличлар.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА

Тез кунда

ПРЕМЬЕРА

Ипак қиз

4 пардали музикали драма қўйилади.

Ўзбекистон давлат филармонияси

Алишер Навоий номли опера ва балет театри биносида

21 августда

катта концерт

берилади

Концертда: Сталин мукофоти лауреати СССР халқ артисти **Ҳалима Носирова**, Сталин мукофоти лауреати Ўзбекистон ССР халқ артисти **Мукаррама Турғунбоева**, Ўзбекистон ССР халқ артистлари **Ф. Борухова, Ғ. Абдураҳмонов, М. Ғафуров, Г. Карцивадзе, А. Овчинников**, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист **Салима Хўжаева**, Ўзбекистон давлат филармонияси, Навоий номли опера ва балет театри ва Муқимий номли театрнинг солистлари, Ўзбекистон давлат филармониясининг Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган сан'ат арбоби **Г. Дошиях** дирижёрлитидаги симфоник оркестри ва Навоий номли театрнинг миллий чолғу асбоблари оркестри қатнашади.

Концерт кеч соат 9 да бошланади. Билетлар ҳозирдан сотилмоқда.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЕТ АДРЕСИ: Тошкент, Алексеев кўчаси № 8. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Партия турмуши бўлими — 33468. Пропаганда бўлими — 31048. Маданият бўлими — 32036. Қишлоқ хўжалик бўлими — 34455. Саноат бўлими — 31226. Совет қурилиши бўлими—31638. Маҳаллий ахборот бўлими — 37604. Мухбирлар бўлими — 31638. Хатлар бўлими—32347. Э'лонлар бўлими — 37062. Секретариат — 34780 ва 33469. Коммутатор — 36334.

Р. 06355. «Қизил Ўзбекистон» ва «Правда Востока» бирлашган нашриётининг босмаҳонаси. Нашр. № 1140.